Boqiy fikr

*Tinchlik va barqarorlik — bular xalqaro hamjamiyat bilan birlashtiruvchi vositadir.*

Islom KARIMOV

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT ~ XALQ ZIYOLILARI GAZETASI ~ معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2017-yil 13-may, shanba № 38 (8999)

## Ўзбекистон – Хитой:

# СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ВА ДЎСТЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

***Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев рафиқаси билан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 11 май куни давлат ташрифи билан Хитойга келди.***

Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлик муносабатлари кенг кўлам касб этиб, стратегик шериклик алоқалари юксак даражага кўтарилмоқда. Мамлакатларимизнинг миллий манфаатлари, ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, жаҳондаги нуфузи юксалишига хизмат қиладиган бу алоқалар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов бошлаб берган ўзаро дўстлик, мустаҳкам ишончга асосланган ҳамкорлик негизида тараққий этмоқда.

Ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ҳуқуқий базасини 2005 йилда имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги шартнома, 2010 йилдаги Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатларини ҳар томонлама чуқурлаштириш ва ривожлантириш тўғрисидаги Қўшма декларация, 2012 йилдаги Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги Қўшма декларация, 2013 йилдаги Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги Қўшма декларация, 2014—2018 йилларга мўлжалланган Стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш дастури ҳамда 2016 йилда имзоланган Қўшма баёнот ташкил қилади.

Мазкур ҳужжатларнинг қабул қилиниши улкан тарихий аҳамиятга эга бўлиб, ниҳоятда кенг кўламлидир. Улар узоқ муддатли истиқболда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

12 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Ўзбекистон ва Хитой давлат мадҳиялари янгради. Давлат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг икки мамлакат расмий делегациялари иштирокидаги музокаралари бўлиб ўтди.

**(Давоми 2-бетда.)**

# ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК – ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Тошкентда 11-12 май кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Форумининг ўн иккинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда ШҲТга аъзо давлатлар — Ўзбекистон, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, шунингдек, кузатувчи мақомига эга давлатлар — Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Афғонистон, Беларуснинг етакчи илмий-тадқиқот марказлари экспертлари, ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси ва Котибияти, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.**

Тадбир иштирокчилари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарлари кенгашининг 2016 йил июнь ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган мажлиси якунларини кўриб чиқди ва муҳокама этди. Шанхай ҳамкорлик ташкилотини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, жумладан, ШҲТ давлат раҳбарларининг шу йил июнь ойида Қозоғистон пойтахтида бўлиб ўтадиган учрашуви ҳисобга олинган ҳолда минтақада хавфсизликни таъминлаш, ўзаро манфаатли инвестиция ва савдо-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда ШҲТни кенгайтириш истиқболлари бўйича атрофлича фикр алмашилди.

**(Давоми 3-бетда.)**

# ТАРҒИБОТ-ТУШУНТИРИШ ИШЛАРИ ОДДИЙ ОДАМЛАР ИСТАКЛАРИГА МОС БЎЛИШИ КЕРАК

HARAKATLAR STRATEGIYASI 2017-2021

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев ғояси ва раҳбарлигида ишлаб чиқилган мамлакатимизни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси Ватанимиз тарихида, халқимиз ҳаётида янги тараққиёт босқичини бошлаб берди. Бунда беш устувор йўналиш беш йилда амалга оширилади.**

Бу жиҳатлар 12 май куни Тошкент ирригация ва мелиорация институтида 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ўрганиш бўйича ташкил этилган республика илмий-амалий семинарида ҳам ўз ифодасини топди. Тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, қатор нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарлари, олий таълим муассасаларининг ректорлари, профессор-ўқитувчилари, ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

**(Давоми 4-бетда.)**

# Энг сара ишланмалар тақдимоти

***Шу йилнинг 10—12 май кунлари пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" миллий кўргазмалар мажмуасида X Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Фан ва технологиялар агентлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги томонидан ташкил этилган ярмаркада анъанавий беш йўналиш — саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, ахборот технологиялари ва фан-таълим соҳалари бўйича 500 дан ортиқ инновацион ғоя, технология ва лойиҳа намойиш этилди.***



— Ярмарка ишлаб чиқариш корхоналари, илмий тадқиқот ташкилотлари ва олий таълим муассасаларининг ўзаро манфаатли алоқаларини ўрнатишга доир муаммоларни ҳал этади, — дейди Фан ва технологиялар агентлиги матбуот котиби Шамшод Эргашев. — Фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги кооперацион алоқани таъминлашнинг амалий механизмига айланган ушбу тадбир иқтисодиётимизнинг барча соҳалари жадал ривожланиши, узлуксиз таълим тараққиёти, истиқболдаги дастурларни ишлаб чиқишда муҳим илмий ва амалий асос вазифасини бажармоқда. Бу орқали мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти юксалмоқда. Шу кунгача ўтказилган ярмаркалар доирасида 4 минг 200 га яқин инновацион ғоя ва технология намойиш этилиб, қиймати 144,1 миллиард сўмдан зиёд бўлган 4 мингдан ортиқ шартнома имзоланган.

**(Давоми 5-бетда.)**

2017-yil 13-may, № 38 (8999)

## Ўзбекистон – Хитой:

# СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ВА ДЎСТЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

**(Давоми. Боши 1-бетда.)**

Хитой Халқ Республикаси Раиси Президентимизни Хитойга биринчи давлат ташрифи билан самимий қутлади.

Сиз билан Пекинда учрашиб турганимдан ғоят хурсандман. Бу йил давлатларимиз ўртасидаги дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 25 йил тўлгани ҳамкорлигимизнинг бундан кейин ҳам жадал ривожланишига замин яратади. 2016 йилда Бухорода бўлганимда менга ҳамроҳлик қилганингиз учун самимий миннатдорлик билдираман. Бугун барча соҳаларда ҳамкорлигимиз изчил ривожланаётгани бизни қувонтиради, деди Си Цзиньпин.

ХХР Раиси Хитой ва Ўзбекистон муносабатлари янги даврга, сифат жиҳатдан янги босқичга қадам қўяётганини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев таклиф учун Си Цзиньпинга миннатдорлик билдирди ва бугунги музокаралар мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашувларнинг мантиқий давоми эканини таъкидлади.

Ўзбекистоннинг қадимий тарихи ва маданиятига юксак ҳурмат кўрсатиб, 2016 йил Бухорога борганингиз, аждодларимиз қолдирган бой маданий меросга катта қизиқиш билдирганингиздан хурсандмиз. Ўзбекистон Хитойни қадимий тарих ва ноёб маданият, улкан салоҳиятга эга, жаҳон иқтисодиётининг етакчиларидан бўлган ва ўз мақсадлари йўлида қатъий бораётган мамлакат сифатида билади, деди Шавкат Мирзиёев.

Музокараларда ўзаро ва кўп томонлама муносабатларга оид долзарб масалалар, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантириш хусусида атрофлича фикр алмашилди.

Хитой Ўзбекистоннинг ҳаёт синовидан ўтган ишончли ҳамкоридир. Халқларимиз ўртасидаги муносабатлар Буюк ипак йўли тарихи билан чамбарчас боғланган бўлиб, миллий қадрият ва анъаналаримиз жаҳон маданиятини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган, савдо алоқаларимиз дунё аҳлига ўз даврининг ноёб буюмларини тақдим этган. Бугун инсониятнинг кундалик эҳтиёжларига айланган чой, пахта, ипак, қоғоз каби маҳсулотлар уларнинг бир қисми, холос.

Хитой Ўзбекистон иқтисодиётига энг кўп инвестиция киритаётган давлатлардан биридир. Мамлакатимизда Хитой капитали иштирокидаги 700 дан зиёд компания ва корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йиллар давомида хитойлик сармоядорлар Ўзбекистон иқтисодиётига қарийб 7,8 миллиард доллар миқдорида инвестиция киритган.

2016 йил якунлари бўйича ўзаро савдо айланмаси ҳажми 4,2 миллиард долларни ташкил қилди. Хитой бозорида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотлари, пластмасса буюмлар, қишлоқ хўжалиги ва бошқа товарларга талаб катта.

Хитой Халқ Республикаси Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш бўйича дастурларни амалга ошириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва саноатнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришда фаол иштирок этмоқда.

ХХРнинг етакчи саноат компаниялари билан узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли алоқалари, биринчи навбатда, юқори технологияга асосланган тармоқларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Нефть-газ ва телекоммуникация тармоқларида, транспорт, тўқимачилик, кимё саноати ва бошқа йўналишларда қўшма лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Хитой бизнес субъектлари Ўзбекистондаги кўплаб янги саноат корхоналари, жумладан, Деҳқонобод калийли ўғитлар, Қўнғирот сода заводлари қурилишида иштирок этди. ХХР тадбиркорлари кўмагида мамлакатимизда электр техникаси маҳсулотлари, мобиль телефонлар, қурилиш техникаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. "Huawei" компанияси томонидан Тошкент шаҳри ва Ўзбекистон минтақаларининг телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш бўйича 20 лойиҳа амалга оширилди. ZTE корпорацияси билан ҳамкорликда чиқарилаётган модем, смартфон ҳамда бошқа ускуналарга ички ва хориж бозорларида талаб юқори.

Марказий Осиё — Хитой газ қувурининг барча тўрт тармоғи Ўзбекистон ҳудудидан ўтган. ХХР Миллий нефть-газ корпорацияси мамлакатимизда истиқболли углеводород конларини қидириш ва газини ишлаб чиқаришда фаол қатнашмоқда. Муборак газ-кимё мажмуасида табиий газни чуқур қайта ишлаш бўйича ҳамкорлик қилиб келинмоқда.

Музокараларда иқтисодий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Музокаралар якунида Шавкат Мирзиёев ва Си Цзиньпин Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги Қўшма баёнотни имзоладилар. Ҳукуматлараро техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги, халқаро автомобиль қатнови тўғрисидаги битимлар, умумтаълим мактабларида таълим сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш соҳасини асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга доир лойиҳаларни молиялаштириш тўғрисидаги ҳукуматлараро ноталар алмашинуви ҳамда ветеринария ва ўсимликлар инспекцияси карантини соҳасида Англашув меморандуми, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантириш бўйича Англашув меморандуми, қишлоқ хўжалиги соҳасида 2018—2020 йилларга мўлжалланган идоралараро алмашинув ҳамкорлик режаси каби қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Шавкат Мирзиёев ва Си Цзиньпиннинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда томонлар Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ кенг кўламли масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

Имзоланган ҳужжатлар, эришилган келишувлар Ўзбекистон — Хитой муносабатларини янада ривожлантириш ва халқларимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилиши алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

**Абу Бакир ЎРОЗОВ,**
**ЎзА махсус мухбири**

Пекин шаҳри.

# ЎЗБЕК ОЛИМИ ХИТОЙ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ МУКОФОТИГА САЗОВОР БЎЛДИ

***Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Шавкат Солиҳов Хитой Фанлар академиясининг «Халқаро илмий ҳамкорлик учун» мукофоти билан тақдирланди. Ўзбекистон Фанлар академиясида ана шу мукофотни топшириш маросими бўлди.***

Тадбирда дипломатик корпус вакиллари, Хитой Фанлар академияси делегацияси, олимлар ҳамда журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти Иброҳим Абдураҳмонов, Хитой Фанлар академияси Шинжон физика ва кимё-техника институти директори Ли Шао ва бошқалар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик тобора кенгайиб бораётгани, айниқса, илм-фан соҳасида алмашилаётган ўзаро тажриба улкан самаралар бераётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Фанлар академияси Биоорганик кимё институти директори Шавкат Солиҳовнинг ушбу мукофот билан тақдирланиши ҳам Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиз илм-фан фидойиларига бўлган чексиз ҳурмати намунасидир.

Академик Шавкат Солиҳов Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, оқсил кимёси, токсинлар кимёси ва биотехнология соҳасида таниқли олим. Унинг илмий фаолияти табиатдан олинган биологик актив токсинлар, ферментлар ва бошқа моддаларнинг тузилиши ва функцияларини ўрганишга қаратилган бўлиб, фанда биринчи марта Ўрта Осиё ҳайвонлари заҳарларидан токсик хоссаларга эга бўлган 50 дан ортиқ физиологик фаол оқсил ва пептидлар ажратиб олинган. Шулардан 15 модданинг кимёвий структураси аниқланган. Олим раҳбарлигида 70 дан ортиқ ўсимликдан 150 дан ортиқ фан учун номаълум бўлган полифенол табиатли биологик фаол моддаларнинг кимёвий таркиби аниқланиб, улар асосида ҳозир мамлакатимиз тиббиёт амалиётида кенг қўлланилаётган вирусларга, шамоллашга қарши ҳамда қон тўхтатувчи дори-дармон препаратлари яратилган. Пахта чигитидан госсипол моддасини ажратиб олиш ва уни катта миқёсда ишлаб чиқариш технологиясини яратишда ҳам олимнинг хизматлари катта.

— Хитой Фанлар академияси билан самарали ҳамкорлик ва иқтидорли илмий ходимларни тайёрлаш йўлида қилган хизматларимни ҳамкорларимиз юксак баҳолаганидан беҳад мамнунман, — дейди Ш.Солиҳов. — Ҳали қилинажак ишларимиз кўп. Йирик тадқиқот лойиҳаларини ташкил этиш ва амалга оширишни мақсад қилганмиз.

Шавкат Солиҳов Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти лавозимида ишлаган кезлари, айниқса, илм-фаннинг таълим ва ишлаб чиқариш билан интеграциялашувига катта ҳисса қўшди. Академик Германия, Жанубий Корея, Россия, Хитой Халқ Республикаси сингари давлатлар илмий муассасалари билан халқаро илмий-техник дастурлар доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш ишларида ҳам жонбозлик кўрсатаётир.

**Моҳигул ҚОСИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

2017-yil 13-may, № 38 (8999)

# ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК — ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**(Давоми. Боши 1-бетда.)**

Ўзбекистоннинг 2015-2016 йилларда ташкилотга раислиги даврида ШҲТ фаолиятининг самарадорлиги ва халқаро нуфузини ошириш борасида кенг кўламли ишлар бажарилгани таъкидланди. Ўтган йилги саммитда имзоланган ҳужжатлар ташкилотнинг устувор йўналишлардаги фаолиятини янада мустаҳкамлаш, минтақада тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлашга доир амалий вазифаларни ҳал этишга хизмат қилмоқда.

ШҲТ Форумининг XII мажлиси кун тартибига мувофиқ иштирокчилар ташкилотга Ҳиндистон ва Покистоннинг қўшилиши жараёнининг бошланиши 2016 йил июнь ойида Тошкентда ўтган юбилей саммитининг асосий якунига айланганини ва бу ҳеч шубҳасиз, ташкилотнинг янги марраларга кўтарилгани ва ўз фаолиятининг янги босқичини бошлаганидан далолат беришини таъкидлади. Тошкентда Ҳиндистон Республикаси ва Покистон Ислом Республикасининг мажбуриятлари тўғрисида имзоланган меморандумлар ШҲТни янада ривожлантириш истиқболларини белгилаб берди.

Мажлис доирасида бўлиб ўтган ялпи баҳс-мунозараларда томонлар ШҲТга аъзо давлатларнинг Афғонистон муаммосини ҳал этишга асосий ёндашувларини тасдиқлади. Ушбу ёндашувларнинг асосий моҳияти шундан иборатки, Афғонистондаги қарама-қаршиликни фақат сиёсий йўл билан, бир-бири билан курашаётган томонларнинг ўзаро келишувига эришиш ва мамлакатда тинчлик ўрнатиш жараёнига афғон халқини ҳам жалб этиш орқали ҳал этиш мумкин.

Мажлисда хавфсизликка рахна соладиган анъанавий ва ноанъанавий хавф-хатарларга қарши курашиш бўйича келишилган саъй-ҳаракатларни кучайтириш, терроризм, сепаратизм, экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек, халқаро ахборот хавфсизлигини мустаҳкамлашда ҳамкорликни чуқурлаштириш зарурлиги қайд этилди. Жамиятда, авваламбор, ёшлар ўртасида радикаллашувнинг авж олишига қарши курашиш, диний экстремизм, этник ва ирқий муросасизликнинг олдини олишга доир чораларни кучайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш ташкилотнинг дастурий мақсад ва вазифаларига эришишнинг муҳим шартларидан биридир. Форум мажлиси қатнашчилари савдо ва инвестиция соҳаларида қулай шароитлар яратиш, транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, туризм, таълим, маданият ва спорт соҳаларида ҳамкорлик салоҳиятини ошириш борасида минтақавий ҳамда минтақаларо кўшма лойиҳаларни амалга ошириш зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон вакиллари анжуман қатнашчилари учун 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини тақдим этди. Мамлакатимизнинг иқтисодиётни янада эркинлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб қилишдаги позицияси, шунингдек, пухта ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Мазкур Ҳаракатлар стратегияси кенг ва очиқ муҳокамадан сўнг жамоатчилик, экспертлар, фуқаролик жамияти фаолларининг фикр ва таклифлари инобатга олинган ҳолда қабул қилингани таъкидланди. Халқнинг хоҳиш-иродасини таъминлайдиган, аҳолини стратегик муҳим қарорлар қабул қилиш жараёнига бевосита жалб қилиш имконини берадиган механизмлардан фойдаланиш асосида ишлаб чиқилган бу ҳужжат Ўзбекистон учун ноёб эканига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, ушбу Стратегиянинг асосий мақсадлари ШҲТнинг хавфсизликни таъминлаш ва барқарор ривожланиш бўйича асосий йўналишлари, мақсад ва вазифаларига мос келиши қайд этилди. Ҳужжатда белгиланган мақсадларнинг ҳаётга босқичма-босқич татбиқ этилиши қўшни мамлакатлар билан муносабатларни янада уйғунлаштириш, Марказий Осиё минтақаси ва умуман, ШҲТ маконида тинчлик, барқарорликни мустаҳкамлаш имконини беради.

«Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурининг асосий қоидаларига бағишланган тақдимотда аҳоли фаровонлигини юксалтириш, бандлик масаласини ҳал этиш, соғликни сақлаш сифатини яхшилаш ва маҳалла ролини янада оширишга қаратилган кенг кўламли вазифаларни амалга ошириш режалаштирилаётгани таъкидланди.

Мажлис иштирокчилари тақдим этилган ахборотни ижобий баҳолади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак"лиги тўғрисидаги қатъий позицияси белгиланган вазифаларни амалга оширишда муҳим омил эканини алоҳида таъкидлади.

ШҲТ Форуми мажлисининг иштирокчилари тинчликни сақлаш, ҳамкорликда ривожланиш ва тенг ҳуқуқли муносабатлар, халқаро ҳамжамият билан мулоқот ва алоқаларни кенгайтириш, минтақада ва умуман, дунёда хавфсизлик, барқарорлик ва фаровонликни мустаҳкамлаш учун саъй-ҳаракатларни давом эттириш зарурлиги хусусида якдил фикр билдирди. ШҲТ маконида тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат ва бағрикенглик, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик асосида ҳар томонлама ва ўзаро манфаатли алоқаларни давом эттириш, шунингдек, қабул қилинаётган қарорларни амалга ошириш самарадорлигини юксалтириш муҳимлиги қайд этилди.

Мажлисда «ШҲТ мамлакатлари: ҳамкорлик тенденциялари ва истиқболи», «Бугунги шароитда ШҲТни ривожлантириш», «ШҲТ: келажак учун цивилизациялараро альянснинг тимсоли», «ШҲТ: "Бир белбоғ, бир йўл"ни ташкил этиш учун муҳим майдон», «Афғонистондаги хавфсизлик: минтақавий ҳамкорлик учун имкониятлар ва таҳдидлар», «Афғонистондаги вазиятни бартараф этиш бўйича Ўзбекистоннинг ёндашувлари», «ШҲТга аъзо давлатлар инвестициявий жозибадорлигининг имкониятлари ва салоҳияти», «ШҲТнинг савдо-иқтисодий ҳамкорлиги: бугунги ҳолат, муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари», «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида транспорт салоҳиятини ривожлантиришдаги роли ва аҳамияти», «Туризм ШҲТ доирасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун асосий йўналиш» мавзуларида маърузалар тингланди.

Делегациялар раҳбарлари Ўзбекистон Республикасининг ШҲТ Форумига раислигини юқори баҳолади ва учрашувлар давомидаги меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирди.

Форум Регламентига мувофиқ, 2017-2018 йилларда Форумга раислик Қозоғистон Республикасининг ШҲТ Миллий тадқиқот маркази мақомига эга Қозоғистон Республикаси Биринчи Президенти жамғармаси ҳузуридаги Жаҳон иқтисодиёти ва сиёсати институтига ўтиши, ШҲТ Форумининг навбатдаги мажлиси 2018 йил Қозоғистонда томонларнинг ўзаро келишувига биноан белгиланган санада ташкил этилиши тўғрисида қарор қабул қилинди.

ШҲТ Форуми мажлиси якунлари бўйича тегишли протокол имзоланди.

**Н.МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ЎЗБЕКИСТОН — МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ МУҲИМ ДАВЛАТ

**ЎзА мухбири Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Форумининг 11-12 май кунлари Тошкентда бўлиб ўтган ўн иккинчи мажлисида иштирок этган ШҲТга аъзо давлатларнинг етакчи илмий-тадқиқот марказлари экспертлари билан суҳбатлашди.**

**Ли СИНЬ, Шанхай халқаро тадқиқотлар академияси ҳузуридаги Россия ва Марказий Осиё маркази директори (Хитой):**

— Хитой, Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистонни бирлаштирган ШҲТ яқин вақтда Ҳиндистон ва Покистонни ҳам ўз таркибига олиб, янада йирик халқаро ташкилотга айланади. Ҳиндистон ва Покистоннинг ташкилотга қўшилиши ШҲТ учун таъсир доирасини кенгайтириш, аҳоли сонининг кўпайиши ва иқтисодий қудратнинг юксалишини англатади, халқаро муносабатларда ташкилотнинг ўрни ва ролини ошириш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашда фаол иштирок этишига кўмаклашади. ШҲТнинг кенгайиши, айниқса, "Бир белбоғ, бир йўл" ташаббуси доирасида минтақавий иқтисодий ҳамкорликни рағбатлантиришга туртки бўлади. Ўзбекистон бундан буён ҳам ШҲТ доирасида долзарб масалаларни муҳокама қилишда фаол иштирок этиб, минтақавий ва глобал муаммоларни ҳал этишга муносиб ҳисса қўшади.

Хитой Халқ Республикаси Ўзбекистон Республикасини ўзининг ишончли шериги деб билади. Сўнгги йилларда Хитой — Ўзбекистон муносабатлари сезиларли кенгайиб, ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 11-13 май кунлари Хитойга илк давлат ташрифи ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда эришилаётган ютуқлар диққатга лойиқдир. Мамлакатингизда барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси шубҳасиз, мамлакат иқтисодий салоҳияти, халқ фаровонлигини юксалтириш, халқаро майдонда Ўзбекистон нуфузини янада ошириш имконини беради.

**Фарамарз ТАМАННА, Афғонистон Ташқи ишлар вазирлигининг Стратегик тадқиқотлар маркази директори:**

— Ўзбекистон Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини қайта тиклашга катта ёрдам бераётган, турли ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этаётган муҳим давлат ва ишончли шерикдир. Афғонистон Ўзбекистон асосий роль ўйнаётган улкан минтақамизнинг бир қисми ҳисобланади. Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон халқимизга елкадош бўлди, Афғонистон муаммосини ҳал этиш, терроризм, экстремизм ва наркотрафикка қарши курашиш бўйича муҳим ташаббусларни илгари сурди. Ўзбекистондек ишончли қўшнимиз борлиги билан фахрланамиз.

Афғонистон ва Ўзбекистон ўртасида сиёсат, иқтисодиёт, маданият соҳаларида доимий мулоқот ўрнатилган. Икки томонлама ҳамкорлигимиз ШҲТга аъзо бошқа давлатлар билан ҳам яқин муносабатлар ўрнатиш учун асос бўлди. Афғонистон ШҲТга аъзо мамлакатлар билан барча йўналишларда ўзаро ҳамкорликдан, жумладан, ўзига хос савдо йўлаги сифатида шаклланишидан манфаатдор.

**Холид Тимур АКРОМ, Глобал ва стратегик тадқиқотлар маркази директори (Покистон):**

— Покистон тадқиқот марказлари вакиллари ШҲТ Форуми мажлисида илк бор иштирок этгани қувонарлидир.

Ўзбекистон Марказий Осиёдаги муҳим давлат ҳисобланади. Мамлакатингизнинг улкан иқтисодий салоҳияти, геостратегик жойлашуви ва инфратузилманинг ривожлангани Покистон учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда етиштирилаётган, мазаси ва сифати билан ажралиб турадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари Покистонда ҳам харидоргир. Бундан ташқари, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган саноат ва қурилиш материалларига ҳам талаб катта. Ушбу маҳсулотларни Покистонга етказиб бериш ҳажмини ошириш тўғрисида битимлар имзолаш муҳим, деб биламан.

Мамлакатларимиз туризм соҳасида катта имкониятларга эга. Покистонда Ўзбекистоннинг тарихий ёдгорликларини кўриш, муқаддас қадамжоларини зиёрат қилишни истаганлар кўп. Лаҳор ва Тошкент шаҳарлари ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновлар йўлга қўйилган. Покистондан Ўзбекистонга саёҳатга келувчилар сонини янада кўпайтиришни режалаштирмоқдамиз. Покистоннинг ШҲТ оиласига қўшилиши икки ва кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш имконини беришига ишонамиз.

**So'z — majlis ishtirokchilariga**

**ЎзА мухбири**
**Нодира МАНЗУРОВА**
**ёзиб олди.**

2017-yil 13-may, № 38 (8999)

# ТАРҒИБОТ-ТУШУНТИРИШ ИШЛАРИ ОДДИЙ ОДАМЛАР ИСТАКЛАРИГА МОС БЎЛИШИ КЕРАК

**(Давоми. Боши 1-бетда.)**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари Қ.Қуронбоев, Бош вазирнинг маслаҳатчиси М.Қуронов, академик О.Салимов, Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти бош илмий ходими Б.Сотволдиев ва бошқалар Ҳаракатлар стратегияси ўзбек давлат бошқарув мактабининг бой тажрибаси, ҳаётий қадриятлари ва албатта, халқимизнинг хоҳиш-иродаси асосида ишлаб чиқилган ноёб тарихий ҳужжат бўлиб, унинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш ислоҳотларнинг ҳаётимизда тўлақонли амалга ошишида муҳим роль ўйнашини таъкидлади. Мазкур илмий-амалий семинар бу йўналишда тарғиботчиларни тайёрлаш, ҳудудларда Ҳаракатлар стратегияси тарғиботини жонли мулоқотлар, самимий суҳбатлар тарзида содда, халқчил ва ҳаётий ташкил этиш мақсадида уюштирилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизни ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши — давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани тараққий эттириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш бўйича аниқ, ҳаётий ислоҳотлар, уларни амалга ошириш механизмлари белгилаб берилган. Орадан қисқа вақт ўтганига қарамай, бу тарихий ҳужжатнинг амалий самаралари ҳаётимизда ўз ифодасини топмоқда. Жумладан, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлашда мутлақо янги тизим — Халқ қабулхоналари институтига асос солинди, маҳалла тузилмаси, таълим, илм-фан, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, суд-ҳуқуқ, ички ишлар, ташқи савдо тизимлари, архитектура ва қурилиш, хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни ривожлантириш, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш, қонун ҳужжатларини тарқатиш, йўл хўжалиги, маданият ва спорт соҳалари тубдан такомиллаштирилиб, уларнинг фаолияти самарадорлиги оширилмоқда.

Буларнинг самарасида халқимизнинг давлат идораларига ишончи ортмоқда. Давлатимизнинг иқтисодий юксалиши оддий одамларнинг орзу-умидлари билан уйғунлашмоқда. Аҳолида ислоҳотларда фаол иштирок этиш кучайиб, соҳаларни ривожлантиришда инсон омили асосий ўринга чиқмоқда. Бошқача айтганда, давлат идоралари халқимизга хизмат қилмоқда.

Хўш, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор йўналишлар, мақсад-вазифалар тўлақонли бажарилса, оддий одамлар ҳаётида қандай натижаларга олиб келади? Бу ислоҳотлар самаралари нималарда намоён бўлади?

— Бунда, аввало, кучли фуқаролик жамияти барпо қилинади, халқимиз турмуш даражаси кескин ошади, — дейди Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессори Мансур Бекмуродов. — Тадбиркорлик фаолияти реал ҳаёт тарзига, ялпи ижтимоий ҳаракатга айланади. Бандлик даражасига ҳамоҳанг солиқ тўловчилар ҳам кескин кўпаяди. Давлатнинг экспорт салоҳияти ошиб, янги объектлар қурилиши кўлами ҳам кенгаяди. Уй-жой муаммоси бартараф этилади. Ҳар бир соҳа ҳамжиҳат ва уйғун ҳолда, энг муҳими, тўлақонли маърифат асосида ишлай бошлайди, «банк маънавияти», «фермерлик маърифати», «тадбиркорлик маданияти» таомилга киради.

Ҳар қандай жамиятда эзгу ва буюк мақсадлар бўлган, бироқ Ҳаракатлар стратегияси тараққиётга эришишнинг ўзбек мактаби сифатида инсоният тарихида ўчмас из қолдириши, асрлар оша намуна вазифасини ўташи учун бу ислоҳотлар тўла амалга оширилиши керак. Бунинг учун, аввало, оддий одамлар мазкур тарихий ҳужжатнинг моҳияти, мақсад-муддаоси унинг ўзи, оиласи, авлодлари ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ эканини англаб етиши керак.

— Бунда бир ҳақиқат аниқ: тарғибот-тушунтириш тадбирлари одамлар истак-хоҳишлари, қизиқишлари ва ички эҳтиёжларига мос ташкил қилиниши, бунда оддий аҳоли фаол қатнашишига эришиш лозим, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси доценти, юридик фанлари доктори Гулчеҳра Маликова. — Ислоҳотларни ҳар бир инсон манфаатидан келиб чиқиб тарғиб этиш керак. Ҳаракатлар стратегияси ва Президентимизнинг шу йил 21 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони асосида мамлакатимиз Олий суди ва Олий хўжалик судининг фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви суд ҳокимиятининг ягона олий органи — Олий судга бирлаштирилди. Оддий аҳоли бу билан суд тизимида бир-бирини такрорловчи функциялар бартараф этилиши, ягона суд амалиёти шакллантирилишини теран англаса, ислоҳотларнинг ҳаётий самарадорлиги ошади. Тарғибот тадбирларида бу ислоҳотларни одамлар бевосита мулоқотлар тарзида, уларнинг эсида қоладиган мисоллар билан тарғиб қилсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

Мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этади. Ёшлар — жамиятимизда ҳал қилувчи куч, эртамиз эгалари. Бироқ бугун ёшлар янги-янги, буюк имкониятлар билан бирга, турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дуч келаётир. Давлатимиз раҳбари Конституциямиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида бу масалага яна бир бор эътибор қаратиб, «Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим. Бунинг учун ёшларимиз билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига қулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз керак. Бу борада уюшмаган ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур», деб таъкидлагани бежиз эмас.

— Ҳаракатлар стратегияси барча, жумладан, ёшлар учун ҳам тушунарли тилда ёзилган, бу дастуриламал ҳужжатни ишлаб чиқишда, унинг лойиҳаси муҳокамаларида ёшлар ҳам фаол қатнашиб, уларнинг қатор таклиф-мулоҳазалари бунда ўз ифодасини топди. Шу билан бирга, айрим ёшларимиз Ҳаракатлар стратегияси борасида фақат умумий тасаввур ва тушунчаларга эга экани ҳам ҳақиқат, — дейди «Камолот» ЁИҲ марказий кенгаши раиси Одилжон Тожиев. — Энг фаол, билимли, салоҳиятли, истеъдодли ва тенгдошларига ҳар томонлама ўрнак бўлаётган ёшларимиздан тарғиботчилар гуруҳини шакллантирдик. Улар мамлакатимиз бўйлаб «Тенгдош – тенгдошга» тамойили асосида тарғибот ишларини олиб боради. Бунда асосан қизиқарли учрашувлар, жонли мулоқотлар ташкил қилинади, замонавий усуллардан, интернет имкониятларидан унумли фойдаланамиз. «Тараққиёт стратегияси» маркази қатор лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирганмиз. Ҳаракатлар стратегияси эмблемаси туширилган турли либослар, буюмлар, ўқув қуроллари ва бошқа тарғибот воситалари тайёрланиб, ёшларга тарқатилади.

— Парламент аъзолари бугун ҳудудларда бўлиб, оддий одамлар қалбига қулоқ солиш, уларнинг муаммоларини ўрганиш, мурожаатларга амалий ечим топишда яқиндан ёрдам бериб келмоқда, бу учрашувларда муаммоларни ҳал қилиш билан бирга, мамлакатимиз қонунчилигидаги ўзгаришлар, Ҳаракатлар стратегияси мазмун-моҳиятини ҳам кенг тарғиб этмоқдамиз, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Феруза Эшматова. — Бугунги илмий-амалий семинарда бу борадаги ишларимиз сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим маълумотларга эга бўлдик.

— Бугунги семинар-тренингда Ҳаракатлар стратегиясининг ҳар бир йўналишида нозик жиҳатлар борлигини англадик, бу тарихий ҳужжат — эртанги ҳаётимиз дастури, — дейди Республика Маънавият тарғибот маркази бўлим мудири, юридик фанлари доктори Гулчеҳра Маткаримова. — Шунинг учун Ҳаракатлар стратегияси моҳияти, аҳамияти ва мақсадини одамлар тўла англаб олишлари учун ҳар бир соҳа вакили ўз йўналишидан келиб чиқиб ишлаши лозим.

Республика илмий-амалий семинарида Ҳаракатлар стратегиясини аҳоли ўртасида тарғиб этишдаги долзарб масалалар муҳокама қилинди, бу борадаги муҳим вазифалар белгилаб олинди. Бундай семинар-тренинглар мамлакатимизнинг барча ҳудудида, жумладан, туман ва шаҳарларда ҳам ўтказилади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси Р.Комилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.Норбоева сўзга чиқди.

**Умид ЁҚУБОВ,**
**ЎзА мухбири**

# АКТ машғулот мазмунини бойитади




***Бугунги кун ўқувчисини дарсга қизиқтириш учун ҳар бир педагог, албатта, машғулот давомида АКТдан фойдаланиши керак. Бундай дарс ўғил-қизлар хотирасида яхши сақланиб, мавзуни осон ўзлаштиришига ёрдам беради.***

Чилонзор туманидаги 281-мактабда "Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш: муаммо, изланиш ва ечим" мавзусида ташкил этилган ўқув-амалий семинарида худди шу йўналишда машғулотлар ўтказилди. Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси Методика маркази ва Чилонзор тумани ХТМФМТТЭБ томонидан ташкил этилган семинарда барча туманлардан ташриф буюрган педагоглар қатнашдилар.

201-мактаб ўқитувчиси Мукаррам Шукурованинг "Гап бўлаклари мавзусини ўтишда АКТнинг ўрни", 200-мактаб ўқитувчиси Муҳаббат Исмоилованинг "Мумтоз адабиёт намуналарини ўтишда АКТдан фойдаланиш", 173-мактаб ўқитувчиси Нигора Зукурованинг "Замонавий ўқувчига — замонавий ёндашув", 114-мактаб ўқитувчиси Шаҳодат Абдуллаеванинг "Она тили дарсларида инновацион технологиялардан фойдаланиш" мавзуларидаги тренинг машғулотларини кузатган педагоглар ҳамкасблари тажрибасидан ўзлари учун керакли жиҳатларни ўрганишди.

**Б.РИЗОҚУЛОВ**
**олган сурат.**

**2017-yil 13-may, № 38 (8999)**

**(Давоми. Боши 1-бетда.)**

# Энг сара ишланмалар тақдимоти





**ЎзА суратлари.**

Натижада қарийб 2 триллион 200 миллиард сўмга яқин 62 номдаги янги серияли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда, 59 шартнома доирасида маҳсулотларнинг тажриба-синов ва саноат намуналари юзага келди. Шу билан бирга, юзлаб корхона, фермер хўжалиги ва тадбиркорлик субъектларига илмий ва амалий хизматлар кўрсатилмоқда. Жорий йилги ярмарка ҳам юқори технологиялар миллий бозорининг шаклланишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Ярмаркада тасаввурни ҳақиқатга айлантираётган кўплаб ишланмалар иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди. Юқори технологиялар, ген муҳандислиги, робототехника каби замонавий йўналишлардаги тадқиқотлар мамлакатимиз олимларининг илмий салоҳиятини намойиш этди.

— Бугунги ярмаркада суяк нуқсонларини тикловчи биофаол шиша ишланмасини тақдим этдик, — дейди Тошкент давлат стоматология институти доценти, тиббиёт фанлари номзоди Афзал Акбаров. — У тиббиётнинг ортопедия, пластик жарроҳлик ҳамда отоларингология каби соҳалари амалиётида қўлланиши мумкин. Стоматологияда ушбу модда тиш олингандан кейин тиш ўрнини тўлдириш учун ишлатилади. Биофаол шиша 30—45 фоиз диоксид кремний, 25 фоиз кальций оксид, тахминан 25 фоиз натрий оксид, 6 фоиз пентоксид ва қисман бошқа моддаларнинг аралашмасидан таркиб топган. Ушбу модда кимёвий хусусиятларига кўра оддий шишадан тубдан фарқ қилади. Биофаол шишанинг амалиётга татбиқ этилиши суяк тўқималарининг физиологик регенерацияси жараёнида уйғунлашади. Амалиётда яхши сўрилувчанлиги, суяк ва юмшоқ тўқималар билан яхши киришувчанлиги унинг асосий хусусиятларидандир. Биофаол шиша юз-жағ соҳасидаги нуқсонларни, хусусан, суяк ичидаги пародонтал камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади. Биофаол шиша таркиби Интеллектуал мулк агентлиги томонидан патент билан ҳимояланган.

Ярмаркада ноодатий дизайнерлик ечимлари, замонавий технологияларнинг миллий талқини кўзга ташланди. Қадимий шаҳарларнинг тарихий қисмида "Ақлли маҳалла" тураржой мажмуасини қуриш лойиҳаси ҳам шулар жумласидандир.

— Қадимий меъморлик обидаларига яқин жойлар учун мўлжалланган миллий услубдаги қурилиш лойиҳаси туристлар учун меҳмонхона, аҳоли учун тураржой вазифасини ўтайди, — дейди лойиҳа муаллифи, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти катта илмий ходим-изланувчиси Мирзо Пўлатов. — "Ақлли маҳалла"да жойлашган анъанавий тураржой томларида гидропоник, яъни тупроқсиз ўсувчи боғчалар ташкил этилади. Бунда ўсимликлар махсус қувурлар орқали механизациялашган тарзда озиқлантирилади. Аҳоли хавфсизлигини таъминлаш мақсадида жамоат жойларига камералар, датчик ва сенсорли қурилмалар ўрнатилади. Лойиҳада энергия тежамкорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, кўчалардаги чироқлар фақат одамлар юраётган пайтда ёнади. Тураржой мажмуасида электр таъминотининг 30 фоизидан зиёди муқобил энергия манбалари ҳиссасига тўғри келади.

— Табиий абрбанд матолардан тикилган кийимлар эстетик, гигиеник ва экологик талабларга жавоб бериши билан бирга қатор нуқсонлари ҳам мавжуд, — дейди Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти катта ўқитувчиси Барно Алимуҳаммедова. — Масалан, адрасда чоклар сурилиши(матонинг ситилиши) кийим-кечак сифатининг пасайишига олиб келади. Шу муаммони бартараф этиш, матода иплар сурилувчанлигининг олдини олиш мақсадида полимер композиция билан чокларни мустаҳкамлаш кимёвий технологиясини ишлаб чиқдик. Бу технология адрас либослардаги чоклар мустаҳкамлигини таъминлаб, сифатини оширади.

Бу йилги ярмарканинг асосий янгиликларидан бири "Жорий қилинган инновацион ишланмалар" йўналиши ташкил этилгани бўлди. Ушбу йўналишда йирик корхоналарда илғор инновацион технологиялар асосида серияли ишлаб чиқарилаётган 62 та маҳсулот тақдим этилди. Жумладан, иссиқлик таъминоти тизимларида қуёш энергиясини мавсумий жамлаш ишланмаси ҳам шунчаки инновацион ғоя кўринишида қолиб кетмасдан, "Тошэлектромаш" МЧЖда амалиётга татбиқ этилмоқда.

— Тизим маҳаллий иссиқлик таъминотида қуёш энергиясини иссиқлик энергиясига айлантириш, ундан фойдаланиш ва жамлаш (жамғариш) жараёнини ташкил этиш мақсадида ишлаб чиқилган, — дейди "Физика-Қуёш" илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Физика-техника институти кичик илмий ходими Акмал Воҳидов. — Ундан йилнинг совуқ мавсумида тураржой, маъмурий, ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектларни иссиқ сув билан таъминлаш учун фойдаланиш мумкин.

Олий таълим муассасаларида яратилган ихтиро ва кашфиётларга ишлаб чиқариш корхоналари ва тадбиркорлик субъектлари катта қизиқиш билдирди. Кармана туманидаги "Жаҳонгир-Ўткир келажаги" хусусий корхонаси директори Равшан Йўлдошев Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги "АгроЭкоБиотехнология" марказида яратилган "Деградацияга учраган тупроқда соя етиштириш технологияси"ни амалда қўллаш бўйича шартнома имзолади. Тадбиркор паррандачиликка ихтисослашган хусусий корхонасида омухта ем олиш, қолаверса, ёғ маҳсулотини ишлаб чиқариш учун соя етиштирмоқчи. Асосийси, мазкур усулда соя етиштириш ернинг агрокимёвий, сув, физик ва биологик хоссаларини яхшилайди, дейди тадбиркор.

— "АгроЭкоБиотехнология" марказида олиб борилаётган тадқиқотлар 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросига йўналтирилган, — дейди марказ раҳбари Лазиза Ғофурова. — Айни пайтда маиший чиқиндилардан биоўғит олиш, чўл экинларининг унувчанлигини ошириш, тупроқдаги шўрланишни йўқотиш бўйича изланишлар олиб бораяпмиз. Илмий тадқиқотларимизда барча экологик муаммоларнинг ечими табиатнинг ўзидан олинмоқда. Масалан, шўрланган тупроқлар биомелиорациясини амалга оширишда лакрица ва амарант ўсимликларидан фойдаланилди. Бугун тадқиқотлар натижасида юзага келган технологияларни, усулларни амалиётга кенг жорий этиш мақсадида фермер хўжаликлари, томорқа эгалари, ҳатто хорижлик мутахассислар билан ҳамкорлик ўрнатаяпмиз. Ярмаркада ҳудудий босқичлари ва республика босқичининг илк кунида 463 миллион сўм қийматга тенг 11 та шартнома туздик.

ЎзМУда яратилган гидрогель ҳам иштирокчилар эътиборини жалб этди. Мутахассисларнинг маълумот беришича, гидрогель сувни ўзига ўта сингдирувчан полимер бўлиб, тупроқ таркибидаги намликни узоқ вақт сақлаш имконини беради. Қор-ёмғир ёки суғориш сувларидан тўйинган гидрогель ўсимлик илдизига намликни аста-секин ўтказади. Гидрогель ўз оғирлигига нисбатан 250—400 мартагача сувни юта олади. Соддароқ айтганда, 10 грамм полимер 2,5—4 литргача сувни сақлаб туради. Муҳими, мазкур маҳсулот импорт қилинаётган муқобилларидан саккиз баробар арзон.

— Илм-фан — мамлакат тараққиётининг асоси, — дейди Тошкент давлат аграр университетининг илмий ишлар бўйича проректори, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Мақсуд Одилов. — Университетимизда яратилган қатор ишланмалар ҳам халқимиз дастурхонини тўкин қилишга қаратилган. Хусусан, бодрингни қовоққа пайванд қилиш, истеъмол қилинадиган замбуруғларни етиштириш, паст бўйли вегетатив пайвандтагларда олма ва нок кўчатларини етиштириш каби технологиялар ҳосилдорликни оширади.

Жадал тараққий этаётган ахборот технологиялари йўналишида ёш олимлар ва талабаларнинг фаоллик кўрсатаётгани қувонарли.

— Биз таклиф этаётган "Лаборатория ўқув стенди" талабаларнинг олий таълим муассасаларида олаётган билимларини янада мустаҳкамлайди, — дейди ТАТУ телекоммуникация технологиялари факультети талабаси Рустам Ҳасанбоев. — Унда микроконтроллер, схематехника ва дастурий таъминот каби фанлардан эгалланган билимлар амалий тажрибадан ўтказилади. Масалан, дастур яратишни назарий жиҳатдан ўзлаштирган талаба лаборатория ўқув стенди симуляторларида уни амалга ошира олади. Бизнинг илк илмий-ижодий ишимизга устозларимиз, ҳатто бошқа олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари юқори баҳо беришди.

"Робот-шоу"да ҳам асосан талабаларнинг моделлари намойиш этилди. Айниқса, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети талабаси Акбархон Собирхоновнинг ранг ажратиб берувчи лего конструктори, Фирдавс Неъматзоданинг масофадан бошқарилувчи робот-қўл моделлари ярмаркага келган йигит-қизларнинг робототехникага қизиқишини янада оширди.

Ярмарка доирасида III Тошкент халқаро инновацион форуми ўтказилди. Тадбирда Германия, Болгария, Италия, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Россия каби давлатлар, Жаҳон банки, Британия кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси мутахассислари ва экспертлари иштирокида дунёда инновация тизимларининг ривожланиш тенденциялари, инновация фаолиятининг ривожланиш ҳолати, муаммолари ва истиқболлари, Ўзбекистонни инновацион фаоллиги юқори ҳудудга айлантириш каби масалалар таҳлил қилинди. Ўзбекистон—Германия ўртасида инновацион ҳамкорликни мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Форум доирасида "Ўзбекистон—Германия: инновацион мулоқот билимларга асосланган жамият қуриш келажаги" мавзусидаги халқаро конференция ва "Инновациялар тараққиёт йўли" деб номланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

**Санобар ЖУМАНОВА,**
**"Ma'rifat" мухбири**

2017-yil 13-may, № 38 (8999)

# БУГУНИ ПОРЛОҚ, КЕЛАЖАГИ БУЮК ХАЛҚМИЗ

*“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури ижроси доирасида Сурхондарё вилоятида “Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!” шиори остида маънавий-маърифий тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.*

## 2017-yil — Xalq bilan muloqot va inson manfaatlari yili




Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Мудофаа вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда таниқли шоир ва ёзувчилар, олимлар, санъаткорлар ва ҳарбийлардан иборат тарғиботчилар гуруҳлари одамлар билан юзма-юз мулоқот қилиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар самаралари хусусида суҳбат қурмоқда. Оддий инсонлар ҳаётида юз бераётган ўзгариш ва янгиланишларни атрофлича таҳлил қилаётир. 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти ҳаётий мисоллар асосида содда усулда тушунтирилмоқда.

Сурхондарё вилоятида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳудудни ҳар томонлама юксалтириб, аҳолининг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлаш, турмуш даражасини оширишга хизмат қилмоқда. Илгари асосан аграр ҳудуд ҳисобланган вилоятда бугун замонавий саноат йилдан-йилга ривожланмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик маҳаллий хомашёдан рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган етакчи тармоққа айланаётир. “Комфорт инерт сервис” масъулияти чекланган жамияти Термиз шаҳрида барпо этаётган гранит ва габбро тошларидан қурилишбоп пардозлаш плитаси, “Термиз таъминот” масъулияти чекланган жамиятининг ғўзапоя ва қамишдан ДСП ишлаб чиқариш каби йирик лойиҳалари бунга яққол мисолдир.

— Давлатимиз раҳбари вилоятдаги сайловчилар билан учрашувида хомашё ресурсларига бой Сурхон воҳасида озиқ-овқат, енгил ва чарм-пойабзал, тўқимачилик, тикув-трикотаж ва қурилиш маҳсулотлари саноатини изчил ривожлантириш борасида алоҳида тўхталди, — дейди Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари Ф.Шарипов. — Вилоятда биргина тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ривожлантириш дастурига мувофиқ яқин беш йилда йирик ҳажмдаги инвестиция жалб этиш ҳисобидан кўплаб янги корхоналар ташкил этилади ва 20 корхона модернизация қилинади. Бунинг натижасида тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2,2 марта ортади. Қишлоқ хўжалиги, туризм, ахборот-коммуникация, қурилиш, банк-молия тизими, бизнес тузилмалари, таълим-тарбия, тиббиёт ва бошқа соҳаларни янада ривожлантириш бўйича истиқболли режалар белгилаб олинган. Бўлиб ўтаётган учрашувларда бу каби улкан янгиланишлар ҳақида атрофлича фикр юритилмоқда.

Термиз шаҳридаги “Ёшлар маркази”да бўлиб ўтган ана шундай тадбирда Шодлик маҳалласида истиқомат қилаётган хотин-қизлар ва ёшлар, Термиз давлат университети талабалари, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирок этди.

Тадбирда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилининг мазмун-моҳияти хусусида сўз юритилди. Жойларда ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари инсон манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди. Таълим тизимини такомиллаштириш, ўқитиш самарадорлигини янада ошириш, миллий адабиётимиз ривожи, китоб мутолааси ва китобхонлик маданияти каби масалалар юзасидан фикр алмашилди.

— Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши ижросига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Ўзбекистон Миллий университети профессори Н.Бекмирзаев. — Ёшларнинг китоб мутолаасига қизиқишини ошириш муҳим вазифадир. Китоб мутолаасига болаликдан меҳр уйғотиш учун аввало ота-оналар ўзлари ҳозирги замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, қўл телефонларидан бироз чекиниб, китобга вақт ажратишса, мақсадга мувофиқ бўлади. Шундай экан, ёшларнинг қалбига сўз билан кириб бориш керак.

Термиз шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уйи, ҳарбий қисмлардан бири, Термиз давлат университети, Термиз туманидаги Паттакесар маҳалласидаги маданият ва аҳоли дам олиш маркази, Олтинсой тумани транспорт касб-ҳунар коллежи, Жарқўрғон туманидаги 5-академик лицей каби замонавий таълим ва маданият муассасаларида ташкил этилган тарғибот тадбирлари ҳам юқори савияда ўтказилди. Қизиқарли концерт дастурлари уюштирилиб, саҳна асарларидан парчалар намойиш этилди. Ватан, мустақиллик, тинчлик, меҳр-оқибат ва бағрикенгликни мадҳ этувчи шеърлар ўқилди. “Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз”, деб номланган фотокўргазмалар ташкил қилинди. Мустақиллик йиллари турли соҳаларда эришилган ютуқлар, таълим, тиббиёт ва бошқа ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, миллий армиямизнинг қудратли салоҳияти акс этган ва дунёнинг турли давлатларида содир бўлаётган нотинчликлар ҳамда уларнинг ортида турган кучларнинг ғаразли мақсадларини очиб беришга қаратилган қисқа метражли фильм ва слайд-шоулар намойиш этилди.

— Бундай тадбирлар бугунги глобаллашув даврида ёшларимизни турли мафкуравий, маънавий ва ахборот таҳдидларидан ишончли ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга, — дейди “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Сурхондарё вилояти кенгаши раиси С.Саломов. — Улар ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Тарғибот тадбирлари вилоятнинг барча ҳудудларида давом этмоқда.

**Х.МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

# Ислом Каримов асарларини ўрганамиз

**Мустақил Ўзбекистон давлати асосчиси, буюк сиёсатчи, халқимизнинг улуғ ва ардоқли фарзанди, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ўзининг серқирра фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирди. Ислом Каримов асарларининг умумтаълим муассасаларида ўрганилиши ўқувчилар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириб, уларда ватанпарварлик туйғусини шакллантирмоқда. Халқ таълими вазирлиги томонидан умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган “Ислом Каримов асарлари билимдони” республика кўрик-танлови ёш авлоднинг сиёсий билимини бойитишда муҳим аҳамиятга эга.**

Тўрт босқичда ташкил этилган ушбу танловнинг якуний босқичи Республика таълим марказида ўтказилди. Унда ҳудудий босқичлардан саралanган 14 нафар ўқувчи ғолиблик учун ўзаро беллашди. Иштирокчилар ўз ижодий ишларида Биринчи Президентимиз асарларида ёритилган мамлакатимизнинг давлат мустақиллигини қўлга киритишгача ва ундан кейинги йилларда олиб борилган кенг кўламли ишлар ҳақида ҳикоя қилишган. Улар белгиланган шартлар бўйича ўзбек шоирларининг “Мустақиллик”, “Ватан” ҳақидаги шеърларини ифодали ўқиб, Биринчи Президентимиз асарлари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва истиқлол йилларидаги ислоҳотлар ҳақида тузилган тест саволларига жавоб беришди.

Бағдод туманидаги 11-мактаб ўқувчиси Халилбек Йўлдошевнинг “Биринчи Президентимиз Ислом Каримов — Ўзбекистоннинг янги миллий давлатчилиги асосчиси” мавзусидаги ҳамда Қоракўл туманидаги 6-мактаб ўқувчиси Наврўз Тангриевнинг “Юксак маънавиятсиз келажак йўқ” деб номланган тақдимоти кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Хўжайли туманидаги 27-мактаб ўқувчиси Дилафрўз Алимхўжаева Абдуназар Худойназаровнинг “Ким эдигу, ким бўлдик?” шеърини ифодали айтиб, барчанинг олқишига сазовор бўлди.

— Беллашув ўқиш ва ишларимда, ҳаёт йўлимни танлашда катта мактаб бўлди, — дейди кўрик-танлов ғолиби, Навоий шаҳридаги 11-мактаб ўқувчиси Азиза Ботиралиева. — Танловда кўплаб тенгдошларим билан танишдим ва фикр-мулоҳаза алмашдим. Тайёргарлик жараёнида Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч”, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”, “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодат” асарларини ўқиб чиққаним бесамар кетмади.

Танловда 2-ўринга Юқори Чирчиқ туманидаги 10-мактаб ўқувчиси Жасмина Серикбаева сазовор бўлди. 3-ўринни Хўжайли туманидаги 27-мактаб ўқувчиси Дилафрўз Алимхўжаева ҳамда Шароф Рашидов туманидаги 14-мактаб ўқувчиси Соҳиба Исомиддинова қўлга киритди. Ғолибларга ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Ҳасан МЎМИНОВ,**
**“Ma'rifat” мухбири**

**Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг халқимизнинг озод ва фаровон ҳаётини таъминлаш борасидаги улуғ хизматларини ватандошларимиз юксак эҳтиром билан эслайди.**

# Ёшлар Биринчи Президентимизни хотирлади

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 25 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида «Ислом Каримов — маънавий жасорат соҳиби» деб номланган маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Биринчи Президентимиз 1991 йил 31 августда мамлакатимиз мустақиллигига асос солди. Бой ўтмишимиз, тарихий қадрият ва анъаналаримиз, улуғ маърифатпарвар ва ватанпарвар аждодларимизнинг шонли хотираси тикланишида қатъий ташаббус кўрсатди, илм-фан, таълим, маданият, иқтисодиёт, спорт ривожига улкан ҳисса қўшди, минтақавий кескин вазиятлар юзага келганда узоқни кўзлаб моҳирона сиёсий чора-тадбирлар кўрди. Ислом Каримовнинг халқимиз ва Ватанимиз учун кўрсатган бу каби маънавий жасоратлари беҳисоб. Уларнинг маҳсули бугун тараққиётимизнинг янги босқичида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессори А.Умаров, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими И.Султонов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Ш.Исмоилова ва бошқалар шулар хусусида сўзлаб, ёшларга пухта билим олиш, касб-ҳунарли бўлиш, тинч ва фаровон кунларимизни асраб-авайлаш билан Ватанимиз тараққиётига ҳисса қўшишлари лозимлигини уқтирди.

**М.ҲУСАНОВА,**
**ЎзА мухбири**

2017-yil 13-may, № 38 (8999)

**Jarayon**

*Халқ таълими вазирлигининг шу йил 1 февралдаги "Умумтаълим мактаблари кимё фани ўқитувчиларининг касбий маҳоратини узлуксиз ошириб бориш тўғрисида"ги 34-сонли буйруғига асосан март ойидан бошлаб туман(шаҳар)лардаги белгиланган таянч мактабларда методистлар томонидан ҳаракатдаги ўқув машғулотлари ташкил этилмоқда. Маҳорат машғулотларида ўқитувчилар кимё фани назарияси ва методикасига оид билимларни, уларни амалиётда қўллашни, педагоглар учун яратилган методик қўлланмалар, ресурслардан ўқув жараёнида самарали фойдаланишни, мустақил таълим олиб, касб маҳоратини узлуксиз ошириб бориш кўникмаларини ўрганмоқда.*

# Тажриба ва маҳорат дарслари

Жумладан, Бухоро вилоятида ҳар ойда икки марта ўқитувчиларнинг методик кунларида ўқув машғулотлари ташкил этилаяпти.

— 72 соатлик машғулотларнинг режа ва дастури ҳамда Республика таълим маркази томонидан ҳар бир мавзу бўйича тавсия этилган дарс ишланмалари, тақдимотлар, кириш-чиқиш тестлари, маъруза матнлари, кўргазмали ва тарқатма материаллар жойларга етказилиб, ишлаш тартиби батафсил тушунтирилди, — дейди вилоят методика маркази раҳбари Ниёз Иброҳимов. — Туманларнинг тасдиқланган ўқув машғулотлари жадваллари умумлаштирилиб, иштирокчилар ва масъул методистлар ҳақидаги маълумотлар банки шакллантирилди. Айни пайтда вилоятдаги таянч мактаб сифатида белгиланган 24 та таълим муассасасига 609 ўқитувчи жалб этилган.

Машғулотлар сифати ва долзарблиги, ўқитувчиларга қай даражада наф бераётгани хусусида тингловчилар билан суҳбатлашдик.

— Ўқув машғулотлари биз, ёш педагоглар учун жуда фойдали бўлмоқда, — дейди Бухоро шаҳридаги 13-мактабнинг кимё фани ўқитувчиси Дилсора Жўраева. — Тажрибали ўқитувчилар маҳоратининг сирини ўрганиш билан бирга педагогик билимимга таянган ҳолда ўз таклифларимни билдираяпман. Баҳс-мунозараларда иштирок этаяпман. Гуруҳдаги барча ўқитувчиларга навбати билан тренерлик қилиш имконияти берилмоқда. Атиги тўрт йиллик тажрибага эга бўлишимга қарамай, ўтган дарсда мен ҳам тренер сифатида машғулот олиб бордим. Бу ўзимга бўлган ишончни кучайтириб, зиммамдаги масъулиятни оширди. "Дарс жараёнида кимё фанининг бошқа фанлар(биология, география, математика, физика) билан боғлиқлигини таъминлаш" мавзусида тақдимот тайёрлаб, намойиш этдим. Айни пайтда гуруҳимизда тўпланган тажрибалар асосида назорат ва лаборатория ишларини ўтказиш бўйича методик тавсия яратишни режалаштираяпмиз.

Сир эмас, аксар кимё фани ўқитувчилари дарсда АКТдан фойдаланиш, мураккаб мавзуларда масалалар ечиш ва лаборатория машғулотларини самарали ташкил этишда методик кўмакка эҳтиёж сезади. Бу ҳақда Вобкент туманидаги 21-мактабнинг кимё фани ўқитувчиси Майсара Иброҳимова шундай дейди:

— Масалан, янги педагогик технологиялар ҳақида хабардор бўлсак-да, қай бирини қайси ўринда қўллашга қийналамиз. Ёки масалаларни ноанъанавий усулларда ечиш бўйича ҳам ўрганадиган жиҳатларимиз кўп. Ўқув машғулотлари ўқитувчиларнинг шу эҳтиёжини таъминламоқда. Чунки берилган мавзуларнинг барчасида биз учун керакли маълумот, кўникма ва билимлар жамланган. Мустақил равишда тайёрлаган тақдимотларимиз, маърузалар ва баҳс-мунозаралар педагогик маҳоратимизни янада юксалтираётганини сезаяпман.

Ҳаракатдаги ўқув машғулотлари Жиззах вилоятида ҳам режа асосида олиб борилмоқда. Вилоятдаги 13 та туман(шаҳар)да 19 та таянч мактаб белгиланган. 502 нафар кимё фани ўқитувчиси иштирокидаги машғулотлар ҳар ойнинг 2 ва 4-чоршанба кунлари махсус тайёрланган тренер ўқитувчилар томонидан олиб борилаяпти. Тренер ўқитувчилар ўқув дастурлари ва бошқа зарурий тавсиялар билан тўлиқ таъминланган.

Жараёнда ўқитувчилар фан назарияси ва методикасига оид билимларини фаол равишда ошириб бормоқда. Масалан, Бахмал туманида 75 нафар кимё фани ўқитувчиси икки гуруҳга бўлинган ҳолда ўқув машғулотларида иштирок этади.

— Менда "Умумтаълим мактабларида кимё фанини ўқитиш мазмунидаги ўзгаришлар. Таянч ва кимё фанига оид умумий компетенциялар" мавзусидаги машғулот катта таассурот қолдирди, — дейди тумандаги 78-ИДУМнинг кимё фани ўқитувчиси Иқбол Ҳайдарова. — Тренер ўқитувчи Б.Қодировнинг маърузасидан амалиётда қўллаш зарур бўлган кўп нарсаларни ўргандим. Машғулотдан оптималлаштирилган дарс мавзулари ҳақида зарур маълумотга эга бўлдим. Таянч компетенциялардан коммуникатив, ахборот билан ишлаш, ўз-ўзини ривожлантириш, ижтимоий фаол фуқаролик, миллий ва умуммаданий ҳамда математик саводхонлик компетенцияларини дарс давомида қўллаш усулларини ўргандим. Айниқса, лаборатория машғулотида кимёвий моддалар, жиҳозлар билан ишлаш ва уларни сақлаш, мультимедиали ва виртуал лабораториялардан фойдаланиш бўйича амалий кўникмалар ҳосил қилдим.

**Ирода ОРИПОВА,**
**Абдусаттор СОДИҚОВ**

**Maktabga e'tibor — kelajakka e'tibor**

# Янги иншоот, янгича иштиёқ

***— Бобо, мен қишлоқ фаоллари аълочи ўқувчилар учун белгилаган мукофотга яна бир бор сазовор бўлдим, — дея қўлида бир даста китоб кўтарган Севара хурсанд кириб келди. Набирасининг қувончини кўрган Раҳмат бобо уни олқишлади: "Баракалла, менинг билимдон, зукко қизим! Шу ҳаракатингни сусайтирмай, аъло баҳоларга ўқишни давом эттирсанг, келажакда бундан-да юксак мукофотларни қўлга киритасан. Мен ҳам нафақа пулимдан қизиқарли бадиий китоблар сотиб олиб, мактабга бораман".***

Қарши тумани Юқори Қовчин қишлоғидаги 37-мактабнинг янги 315 ўринли биноси ҳамда 12х24 ўлчамдаги спорт зали барпо этилиб, фойдаланишга топширилиши нафақат таълим-тарбия сифатига, балки оила — маҳалла — мактаб ҳамкорлигининг мустаҳкамланишига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Ота-оналар, маҳалла фаоллари ҳар ой якунида энг фаол, аълочи ўқувчиларни аниқлаб, китоб совға қилишни анъанага айлантиришди. Қишлоқ фаоллари ташаббуси билан "Энг аълочи ўқувчи", "Энг фаол синф", "Энг озода синф", "Энг гулга кон синф" каби танловлар ташкил қилинмоқда. Бунинг натижасида ҳар бир ўқувчи яхши ўқишга, ҳар бир синф фаол ва пешқадам бўлишга интилмоқда.

— Қирқ йилдан ортиқ вақт давомида ўқувчиларга она тили ва адабиёт фанидан сабоқ бердим, — дейди 80 ёшли фахрий ўқитувчи Муборак Ражабова. — Янги қурилган кўркам мактаб биноси ва спорт зали кўзни қувнатади. Ишонасизми, янги мактабнинг фойдаланишга топширилиш маросими байрамга айланди. Набираларимиз каби биз ҳам хурсанд бўлдик. Уларга ўзимиз ўқиган мактаблар, ундаги шароитларни айтиб, бу имкониятларнинг қадрига етиш кераклигини таъкидладик. Чунки биз ўқиган даврда мактаблар пахса девор, лойсувоқли, қишда совуқ, ёзда иссиқ бўларди, ёғин-сочинли кунларда томидан чакка ўтиб турарди. Аввал ҳам фахрий педагог сифатида маҳалла фаоллари билан мактабга тез-тез бориб турардим. Эндиликда мен каби жонкуяр ота-оналар сафи янада кенгайди. Ўқувчилар ўртасида турли тадбирлар, китобхонлик кечалари ташкил этиб, пенсия пулимизга китоб сотиб олиб, фаол ва аълочи ўғил-қизларга совға қилишни анъанага айлантирдик. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойишининг ижроси доирасида мактабда "Синф кутубхоналари" ташкил этилгани бизни янада руҳлантирди. Келажакда кутубхона китоб фондини бойитишга ҳам ўз ҳиссамизни қўшмоқчимиз.

Аҳил жамоа янги ўқув йилини зўр иштиёқ ва кўтаринки кайфиятда бошлагани, янги бинода яратилган шароитлар натижаси ўтган чораклар давомида ўқувчиларнинг ўзлаштириш самарадорлигида кўзга яққол ташланди.

— Билимлар беллашуви, фанлар олимпиадасида ўқувчиларимиз юқори ўринларни эгалламоқда, — дейди мактаб директори Икром Анбиев. — Мисол учун, билимлар беллашувининг туман босқичида 8-синф ўқувчиси Элёр Бердиев математика фанидан 1-, Севара Рамазонова биология фанидан 2-ўрин соҳиби бўлди. Яна бир ўқувчимиз Севара Раҳматова ҳам фанлар олимпиадасининг вилоят босқичига йўлланмани қўлга киритди. Янги бино қурилиши билан мактабимиздаги синфхона етишмовчилиги муаммоси барҳам топди. Ёруғ ва шинам синфхоналар кишининг ҳавасини келтиради. Беихтиёр ўқувчи бўлиб қолгинг келади. Бу ерда нимаики мавжуд бўлса, ҳаммаси ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Ўқитувчилар ўз ишига янада меҳр билан ёндашиб, машғулотларни қизиқарли ўтмоқда. АКТдан фойдаланиб, ҳар бир дарсга ўзгача иштиёқ билан киришмоқда. Дарсдан кейин ташкил этилган тўгарак машғулотларида иқтидорли ва бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билан ишланмоқда.

Айниқса, янги спорт зали қурилиши жисмоний тарбия дарсларини кўнгилдагидек ташкил этишга имконият яратди. Авваллари спорт зали мавжуд эмаслиги сабаб ўқувчиларимиз бошқа мактабларда спорт машғулотлари учун яратилган шароитларни кўриб ҳавас қилишарди. Бугун энг замонавий талабларга жавоб берадиган спорт зали ва ундаги анжомлар болалар ихтиёрида.

— Янги спорт залига 34 турдаги жиҳозлар келтирилди. Натижада ўндан ортиқ спорт турлари билан мунтазам шуғулланиш имконияти яратилди, — дейди жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Ихтиёр Ҳақбердиев. — Футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси, шахмат, шашка, енгил атлетика, бадиий гимнастика каби спорт тўгараклари фаолият олиб бормоқда. Натижада ўқувчиларнинг бўш вақти мазмунли ўтмоқда. Яқинда бадиий гимнастика тўгараги аъзоси Муниса Қўзиева вилоят терма жамоасига қабул қилинди. Бу барчамизни қувонтириш баробарида кўплаб ўқувчиларни спортга янада қизиқтирди.

Ўқитувчи ва ўқувчилар, ота-оналар, маҳалла фаоллари масканнинг янада обод ва кўркам бўлиши учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Мактаб ҳовлисига 200 дона мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, 5000 тупдан ортиқ гул экилди.

Вилоятда Инвестиция дастури асосида мактабларни қуриш, таъмирлаш ишлари бу йил ҳам давом этмоқда. Хусусан, жорий "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да 39 миллиард 960 миллион сўм эвазига 1 та янги мактаб қуриш, 29 мактабни капитал реконструкция қилиш, 8 та мактабни капитал таъмирлаш кўзда тутилган.

**Ўктам МЕЙЛИЕВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**

Ma'rifat

2017-yil 13-may, № 38 (8999)



**2017-yil — Xalq bilan muloqot va inson manfaatlari yili**

***Оила нафақат муайян давлат, балки бутун инсониятнинг ҳаётини белгилаб берадиган макондир. Борди-ю, у мустаҳкам пойдеворга эга бўлмаса, қанчалик буюк бўлса ҳам, бу миллат дунёда турғун бўлиб қола олмайди. Оиладаги маънавий муҳит нафақат яқин кишиларни ташвишлантиради, балки расмий йиғин ёки давраларда ҳам муҳокама қилинади. Ота-оналар ва катта ёшдагилар оила бошлиғи ҳисобланар экан, униб-ўсиб келаётган ёш авлод ўзаро муносабатларда улардан ибрат олади. Оилавий муҳитнинг қандай яратилиши асосан ота-она ва фарзандлар психологиясига боғлиқлигини ҳисобга олиш керак. Кичик қўрғонда соғлом психологик муҳит мезонлари қандай? Буни шакллантиришнинг омиллари нимада? Тадқиқотчи сифатида мени бу саволлар кўп ўйлантиради.***

# Оилада ижтимоий-маънавий муҳит қандай?

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 14 январда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасига "Оилаларда маънавий ва ижтимоий-иқтисодий ҳолат"ни ўрганиш бўйича берган кўрсатмаларига биноан 18—21 январь кунлари Сурхондарё вилояти аҳолиси билан сўровнома асосида мулоқот олиб бордик. Бунга 378 та оила жалб этилиб, уларнинг турмуш тарзи "Оила" илмий-амалий маркази мутахассислари томонидан тақдим этилган кўрсаткичлар бўйича таҳлил қилинди.

Аъзолари сони бўйича 5-6 кишидан иборат бўлган оилалар 49 фоизни ташкил қилиб, буни энг юқори кўрсаткич сифатида қайд этдик. 7 ва ундан ортиқ кишилик оилалар 21, 3-4 кишилик оилалар 16 фоиз бўлиб чиқди. Таркиби 9, 10, 12 нафардан иборат оилалар ҳам мавжуд. Улар орасида ота-она, фарзандлардан ташқари бобо, бувилар ҳам яшайди.

Оиладаги ижтимоий ва маънавий ҳолатни ўрганишда **ота-оналарнинг маълумот даражаси**га алоҳида эътибор қаратилди. Олий маълумотли оталар 37, ўрта махсус маълумот эгалари 31, ўрта маълумотлилар 25 фоизга тўғри келиб, айнан шу кўрсаткич оила аъзоларининг жамиятда рўй бераётган воқеликка нисбатан муносабат билдириши ёхуд фарзанд тарбиясига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Онанинг маълумот даражаси отаники каби муҳим аҳамиятга эга. Олий маълумотли уй бекалари 22, ўрта махсус маълумотли аёллар 41, ўрта маълумотлилар 29 фоизни ташкил қилиб, табиийки, ана шу тафовут уларнинг фикрлаш тарзида ҳам сезилиб туради.

**Ота-оналарнинг иш билан бандлиги.** Отанинг иш билан бандлиги кўрсаткичи 70 фоизга тўғри келса, ишламайдиган оталар 22 фоиз эканлиги аниқланди. Онанинг иш билан бандлик кўрсаткичи 74, ишламайдиганлар эса 16 фоиз. Тўпланган статистик маълумотларни таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, отанинг 70, онанинг 74 фоиз иш билан бандлиги анча юқори кўрсаткич ҳисобланади. Бу эса оила моддий таъминотига ижобий таъсир кўрсатади. Моддий таъминотга боғлиқ бўлган келишмовчилик ва низолар бу хилдаги оилада ҳадеб кузатилавермайди, ота-она ва фарзандларда ўз ҳаётидан мамнунлик, Ватани ва халқидан розилик ҳисси шаклланa боради.

Оилавий жуфтликни фарзандлар янада мустаҳкам боғлайди. Ота-она фарзандни вояга етказар экан, уни муайян касб-ҳунарга йўналтиради. Коллеж ёки лицейда ўқиган ўсмир ўзининг кейинги тақдирини белгилашда ота-онаси билан бамаслаҳат иш тутади. **Фарзандининг маълумот даражаси,** шубҳасиз, ҳар бир ота-онани қизиқтиради. Сўровнома натижаларига кўра, 36 фоиз ўғил-қиз коллеж ёки лицейда билим олади, 16 фоизи ҳали мактабда ўқийди. 16 фоизи олий, 14 фоизи ўрта махсус, 9 фоизи ўрта маълумотли, 5 фоизи олий ўқув юртида ўқийдиганлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Қолган қисми МТМ ва уйда тарбияланади.

**"Хонадонингизда овқат тайёрлаш учун қандай ёнилғидан фойдаланасиз?"** деган саволга респондентларнинг 66 фоизи метан газ, 16 фоизи ўтин, 13 фоизи табиий газ ва 3 фоизи кўмирдан фойдаланишини айтди. Бу натижа вилоят аҳолисининг сунъий газ (метан) баллонлари ва табиий газ билан таъминланганлик даражаси бирмунча яхшилигидан далолат беради. Аммо бу борада муайян ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Аҳолини метан газ баллонлари билан таъминлашда нафақат Сурхондарё, балки бошқа вилоятларда ҳам тақчиллик кузатилади.

Тоза ичимлик суви билан таъминлаш аҳоли унинг саломатлик даражасини белгилашда энг муҳим йўналиш ҳисобланади. **Сўровномадан ўрин олган "Қандай ичимлик сувидан фойдаланасиз?"** деган савол бўйича 71 фоиз аҳоли водопровод, 11 фоизи қудуқ, 11 фоизи ариқ, 7 фоизи булоқ сувини истеъмол қилиши маълум бўлди.

Аниқланган статистик маълумотлар ҳудудда аҳолининг ичимлик суви билан таъминланиш ҳолатини яхшилаш кераклиги, жумладан, ариқ, қудуқ ва булоқ сувларидан фойдаланиш умумий тарзда 29 фоизни ташкил этишини инобатга олсак, уларнинг санитар-гигиеник ҳолатини назорат қилиш зарурлигини, мавжуд ҳолат турли касалликларни келтириб чиқариши мумкинлигини билдиради. Демак, аҳолининг тоза ичимлик сувига эҳтиёжини мумкин қадар қондириш орқали ҳудудда турли муаммоларнинг олди олинади.

Соғ-саломат юришнинг муҳим шарти танани пок ва тоза сақлашдир. Қишлоқ шароитида ҳаммом бўлса, яхши. Аммо бунга маҳаллий ҳокимликлар кўп ҳам эътибор беравермайди. Ателье, новвойхона, сартарошхона, косиблик устахонаси очилиши мумкин, лекин ҳаммомга кўзингиз тушганми? Шу боис маҳаллий ҳокимлик томонидан **ҳаммом қуриш масаласига** эътибор қаратилмаган жойда хонадон бошлиқлари бундай имкониятни ўз уйида яратиб олишмоқда. Сўровномамизда иштирок этганлардан 80 фоизи ўз уйида ҳаммом мавжудлигини айтганида, хурсанд бўлдик. 15 фоиз аҳоли эса бундай имкониятга эга эмас, аммо уларда бунга хоҳиш-истак бор. Ҳудудда истиқомат қилаётган аҳолининг катта қисмида маиший шароитларнинг анча намунали йўлга қўйилгани қувонарли, албатта.



Оила фаровонлиги даромад билан ўлчанади. Албатта, ҳар бир киши яхши еб-ичгиси, чиройли кийингиси келади. Тадқиқотчилар оила ҳаёти билан боғлиқ сўровномага, албатта, шу саволни киритишди: **"Оилангизнинг моддий турмуш даражаси қандай?".** Савол натижасида 78 фоиз оила ўрта, 10 фоизи юқори, 10 фоизи паст, 2 фоизи жуда паст даражада экани аниқланди. Бундан кўринадики, вилоят аҳолисининг катта қисмида моддий турмуш даражаси ўртача. Даромади юқори оилаларнинг атиги 10 фоиз экани қувонарли рақам эмас. Демак, бу борада муайян чора-тадбирлар белгилаш талаб этилмоқда. Чунки аҳоли турмуш даражаси унинг давлатга, жамиятга, раҳбарларга нисбатан муносабатини белгилайди ва ҳаётидан, турмушидан қай даражада рози-ризолигини кўрсатади. Қолаверса, аҳоли фаровонлик даражаси мамлакатимизнинг халқаро майдондаги иқтисодий ривожланиш кўрсаткичи учун ҳам асосий мезон бўлиб ҳисобланади.

Фарзанд — Оллоҳнинг ота-онага инъом этган улуғ неъматидирки, у дунёга келиши билан оилага қувонч ёғилади. Болани боқиш — турли хавф-хатарлардан асраш, едириб-ичириш, кийинтириш, касб-ҳунарга йўналтириш, вояга етганида эса уйли-жойли қилиш ота-она гарданидаги энг масъулиятли иш. Болага энг кичик ёш давридан бошлаб эҳтиёжи учун пул бериш, унинг келажаги учун пойдевор яратиш зарур. **"Болаларингиз ва уларнинг келажаги учун маблағ ажратиб борасизми?"** деб берилган савол ҳар бир оила соҳиблари учун қизиқарли бўлса керак. Респондентларимизнинг 45 фоизи "Ҳа", 35 фоизи "Йўқ", 14 фоизи "Бунга имконият йўқ", деб жавоб берган бўлса, ҳаттоки 6 фоиз ота-онага ўз фарзандлари келажаги учун маблағ ажратиб бориш эришроқ туюлганини жавобларидан сездик. Бу рақам юқорида келтирилган "Оилангизнинг моддий турмуш даражаси қандай?" деган саволнинг амалдаги ифодасидир. Агар оила тўқ ва фаровон бўлса, албатта, фарзандлар келажаги учун мустаҳкам замин яратилади.

Фарзанд камолотида, унинг жамиятдан муносиб ўрин эгаллашида спорт ва мусиқа муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Бу жиҳатга **ота-оналарнинг қанчалик даражада аҳамият беришини боланинг спорт ёки мусиқа тўгарагига бориши** ёки бормаслиги орқали аниқлашга қарор қилиб, қуйидаги натижаларни қайд қилдик: 47 фоиз оила бу масалага жиддий эътибор қаратади. 38 фоизи учун боланинг нима билан бандлиги муҳим эмас. 15 фоизида аниқ жавоб йўқ. Аввало, фарзанд тақдири учун ота-она жавобгар. Қолаверса, ёш авлодни руҳан ва жисмонан соғлом қилиб вояга етказишга масъул бўлган вилоят халқ таълими бошқармаси шахс тараққиётида спорт, мусиқа ва бошқа соҳалар таъсирини кучайтириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаши керак. Сўровномамизга мазмун-моҳияти бир-бирига яқин бўлган қуйидаги саволларни киритар эканмиз, ота-оналарнинг бу борадаги фикр-қарашлари баъзи ўринларда ўхшаш, баъзан эса бир-биридан кескин фарқланишини кузатдик: **"Фарзандингиз қайси касб эгаси бўлишини истардингиз?", "Болангизнинг орзу-истаклари билан ҳисоблашасизми?", "Тарбия учун ким кўпроқ масъул?", "Фарзандларингиз тарбиясига етарли эътибор бераяпсизми?", "Болаларнинг оилада уй юмушларини бажариш мажбурияти борми?".** Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳеч бир ота-она ўз фарзанди тақдирига бефарқ эмас. Фақат улар касб-кори, дунёқараши, воқеликка муносабати, ҳаётий тажрибасига кўра, фарзандлари тақдирига турлича муносабатда бўладилар.

Соғлом овқатланиш узоқ умр кўриш кафолатидир. Қайсики авлодда овқатланиш рациони тўғри белгиланган бўлса, ўша ерда геронтологик (узоқ умр кўриш) кўрсаткич қайд қилинади. Оиладаги ижтимоий-маънавий муҳитни тадқиқ этиш учун айнан шу мазмундаги саволни киритишимиз бежиз эмас: **"Овқатланиш сифатини қандай баҳолайсиз?"** Суҳбатлашганларнинг 67 фоизи "яхши", 29 фоизи "ўртача" ва 4 фоизи "паст" деб жавоб берганидан маълум бўлдики, вилоят аҳолисининг кўпроқ қисми соғлом турмуш тарзининг муҳим қоидаси бўлган тўғри овқатланиш бўйича ўз тушунчасига эга. Аммо ана шу натижани янада яхшилаш учун ҳудудда аҳоли фаровонлигини оширишга доир истиқболли режалар ишлаб чиқилса, кейинги сўровномаларимиз хулосаси қувонарли бўлар эди.

Замонавий технологиялар узоғимизни яқин, мушкулимизни осон қилмоқда. Ҳозир компьютер, мобиль алоқа воситаси, микротўлқинли печ, планшет, рақамли фотоаппарат ва бошқа замонавий техникалардан фойдаланмайдиган оиланинг ўзи йўқ. Хўш, Сурхондарё вилоятида аҳолининг компьютер билан таъминланганлик даражаси қандай? **"Оилангизда компьютер мавжудми?"** саволига 58 фоиз оила "йўқ", 38 фоизи эса "бор" дея жавоб берган. Қолган қисми яроқсиз компьютери борлигини қайд қилган.

Ривожланган хорижий мамлакатларда компьютер ва интернетдан фойдаланиш даражаси ўсиб бораётган бир пайтда ўрганилган ҳудудда паст кўрсаткич қайд этилди. Компьютер технологиялари билан таъминланганлик даражаси юқори бўлса, билингки, бу аҳолининг маълумотлилик, ахборот билан таъминланганлик ва билимдонлик кўрсаткичида ҳам намоёндир. Бу эса вилоят ижтимоиий-иқтисодий тараққиётини белгиловчи муҳим омил ҳисобланади. Бундан ташқари, оилада вояга етаётган фарзандларнинг таълим даргоҳида қандай ўқиши, касбий фаолият билан шуғулланиши, истаймизми-истамаймизми, уйда компьютер бор-йўқлиги билан ҳам ўлчанади.

**"Оилангизда шахсий кутубхона борми?".** Сўровномамиздаги ушбу савол орқали биз оила маънавий оламини билишга ҳаракат қилдик. Агар оилада кутубхона мавжуд бўлса, бўш вақт самарали ўтмоқда, ҳаётий саволларга ечим топишда муаммога ўрин йўқ. Айнан шу ҳолат оиладаги маънавий иқлимнинг энг муҳим шартидир. 47 фоиз фуқаронинг ижобий жавобидан қувонган бўлсак, 45 фоизи бизда афсус-надомат уйғотди. 7 фоиз оиланинг жавоби ҳам қониқарсиз, улар шахсий кутубхонани орзу қилишар экан. Натижа нимани кўрсатади? Оилаларда китобсеварлик паст, китобхонлик маданияти, мутолаа анъанаси шаклланмаган. Кўпчилик маънавий озуқа олиш манбаи сифатида китобни қадрламайди. Бу, ўз навбатида, оилани савиясизлик ботқоғига ташлаб, ахборий саводсизликни келтириб чиқаради. Фақат Сурхондарё вилоятида эмас, балки бошқа ҳудудларда ҳам шу муаммо учрайди. Буни бартараф этиш учун кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Умид қиламизки, яқин йиллар ичида аҳолимизнинг китобхонлик даражаси ўсади.

**Фуқаро ўз оиласига қандай баҳо беради?** Хулосавий характердаги бу саволга 92 фоиз иштирокчининг "Мустаҳкам, барқарор, бахтли оила"да яшаётганини эътироф этиши қувонарли ҳол, албатта. Ҳар бир кишига ўз оиласи азиз ва муқаддас. Ўзининг кичик қўрғонида ҳукм сураётган ҳаловат ва осойишталикни умр мазмуни, деб биладиган инсонга ҳавас қилсак арзийди. Бор-йўғи 3 фоиз респондент ўз оиласидаги муҳитни баҳолаш борасида "жавоби йўқ" вариантини танлаган. "Бир-биримизни тушунишда муаммолар бор" жавоби 3 фоиз оила томонидан белгиланган. "Оила деган ном бор, холос" ва "Ажралиш арафасидамиз" жавобларини 1 фоиз иштирокчи белгилаган. Бу нисбатан қониқарли натижа. Мазкур оилаларда барқарорлик, ҳамжиҳатлик, осойишталик, меҳр, ўзаро ишонч, бир-бирини қўллаб-қувватлаш етишмайди, шахслараро муносабатда тажриба ва билим кам. Паст кўрсаткич бўлса-да, оилавий ажримларнинг сонини камайтириш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошидаги яраштирув комиссиялари фаоллик кўрсатиши зарур.

Сўровномада иштирок этган 378 та оила бошлиқларининг фикр-мулоҳазаларини умумлаштирадиган бўлсак, Сурхондарё вилоятида оила институти фаолиятини такомиллаштириш, унинг замон билан ҳамнафас ва ҳамқадамлигини таъминлашга доир муаммоларни ҳал этиш зарурати бор. Албатта, сўровномага жалб қилинган оила бошлиқлари бутун бир вилоятнинг умумий кўрсаткичини ифодалаб беролмаса-да, ана шу рақамнинг ўзи вилоятда оила институти ижтимоий-маънавий муҳити қай даражада шаклланганини кўрсатади. Аниқланган муаммоларни бартараф этиш юзасидан билдирган таклиф-мулоҳазаларимиз вилоят ҳокимлиги ва бошқа тегишли ташкилотлар томонидан инобатга олиниб, зарурий чора-тадбирлар белгиланса, ўйлаймизки, Сурхон воҳаси халқининг турмуши янада фаровон бўлиб, ўз ҳаётидан мамнун яшайди.

**Феруза АКРАМОВА,**
**Республика "Оила" илмий-амалий маркази етакчи илмий ходими, психология фанлари номзоди, доцент**

# МТМдаги очиқ эшиклар куни

## *ота-оналар билан мулоқот муҳитини яратмоқда*

***Боланинг боғчадаги бир куни қандай ўтади? Бу саволнинг жавоби фарзанди боғчага борадиган барча ота-оналар учун қизиқ. Мактабгача таълим муассасаси билан тузилган шартнома бандларига кўра ота-оналар машғулотларни кузатиш, кундалик таомнома билан танишиш, овқатлар мазасини татиб кўриш имкониятига эга. Бироқ аксарият ҳолларда бунинг аксини кўриш мумкин. Миясида боласи, боғча билан боғлиқ минг хил ўйлар чарх урса-да, ота-оналар вақт ажратиб, муассасадаги кундалик фаолиятни кузатишмайди. Бу эса ўртада кўринмас тўсиқ пайдо қилиб, ўзаро ишончсизлик уйғотади.***

— Ҳамма ота-оналарда ҳам боғча ҳақида бирдек ижобий фикр уйғотиш қийин, — дейди Юнусобод туманидаги 501-МТМ мудираси Лола Ниёзова. — Сўнгги йилларда муассасамизда ўзаро ҳамкорликни жонлантириш мақсадида турли усуллардан фойдаланаяпмиз. Мисол учун, ҳар ой охирида ҳисобот машғулотларини ўтказганимиздан кейин ришталар янада мустаҳкамланди. Шикоятлар камайиб, ота-оналар ва тарбиячилар ўртасида самимий мулоқот ўрнатилди. Ўз навбатида, муассасамиздаги соғлом рақобат муҳити сабабли тарбиячиларда ишининг натижасини кўриш ҳисси кучайди. Буни ота-оналар томонидан «Фикр ва мулоҳазалар» қутисига келиб тушаётган «Барака топинг, бор бўлинг!» деган раҳматномалардан ҳам билиш мумкин. Бу тажриба бизга 2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида ота-оналар билан янада яқиндан ҳамкорлик ўрнатиш имконини берди.

Аслида ҳам ҳар бир муассаса меҳнати юзага чиқишини хоҳлайди. Шу каби тажрибалар орқали ота-оналарни МТМга яқинлаштириш, ҳамкор ва ҳаммаслакка айлантириш эса мақсадга эришишнинг омили ҳисобланади.

### Бефарқ эмаслигингизни исботланг!

Ота-оналар билан самимий мулоқот ҳамда самарали ҳамкорлик ўрнатиш болажонларни мактаб таълимига сифатли тайёрлаш гарови ҳамдир. 501-МТМ жамоаси ҳар ойда "Очиқ эшиклар куни" тадбирини ўтказишни анъана тусига киритган. "Очиқ эшиклар куни"да ота-оналар нафақат машғулотларда иштирок этади, балки фарзандлари билан жараённинг тўлақонли аъзосига айланади. Оиладагилар эрталабки бадантарбия машқлари, тушликдан тортиб, кечки сайр ва хайрлашув соатигача — барча жараённи кузатади. Бунинг учун ота-оналарнинг вақти ҳисобга олиниб, бир ҳафта олдин таклифнома берилади. Таклифномага кўз югуртирамиз:

> «Ҳурматли Ворисхон Баҳодировнинг таълим-тарбиясига бефарқ бўлмаган Рустам Баҳодиров! Сиз учун кун давомида фарзандингиз боғчада нималар ўрганаётгани, қандай овқатланаётгани, дўстлари даврасида ўзини қандай тутаётгани қизиқми? «Албатта қизиқ» деб жавоб берганингиз аниқ. Чунки Ворисхон сизнинг жигарбандингиз. Фарзандингизга бефарқ эмаслигингизни 24 март санасидаги очиқ эшиклар кунида, ҳисобот машғулотимизда ва кундалик фаолиятимизда иштирок этиб исботласангиз.
>
> **Ҳурмат билан 501-МТМ жамоаси».**

Табиийки, бундай мазмундаги таклифномани олган аксарият ота-оналар бир кунлик юмушларини четга суриб, боғча томон ошиқади. Шу куни ҳеч ким боласини тарбиячи қўлига топширибоқ ортга қайтмайди, кираверишдаги даҳлизда кичкинтойларнинг кийимларини алмаштириши, жой-жойига тахлашида қатнашади.

Ота-оналар қаторида кузатувчига айландик. Қабул вақтида ҳамшира болалар саломатлигини назорат қилди. Эрталабки бадантарбия машқлари бошланди. Жисмоний тарбия инструктори Павел Мухторов мусиқа садолари остида болаларни тетиклаштирувчи машқларни бажартираётганда, кечикиб келганлар жараёнга салбий таъсир кўрсатишини ҳис қилиб, уялишди. Чунки бунда болалар кейин келиб сафга қўшилган тенгдошига қараб диққати чалғиди, оз бўлса-да, фурсат йўқотилди. Болалар ҳаракатларни ўзбекча, русча, инглизча санаш орқали бажаришди. Гуруҳ бўйлаб тўшалган ингичка йўлакларда тарбияланувчилар мувозанат сақлаб юришини ота-оналарга тарбиячи Васила Бойназарова шундай изоҳлади:

— Болаларнинг қаддини тик тутиб юриши, мускуллари, гавдаси тўғри бўлиши учун ҳар куни беш дақиқа машқ бажарамиз.

Эрталабки нонуштага сутли бўтқа, творог, нон ва ширин чой тортилди. Болаларнинг бўтқани севиб ейишини кўриб, уларга шерик бўлган ота-оналар болаларининг нега «боғчада чой ичаман», дея шошиши сабабини англагандек бўлишди. Ахир, бўтқанинг ҳам, творогнинг ҳам мазаси оғизда қоларлида.

Машғулот бошланди. Гуруҳ иккига бўлинди. Бир гуруҳ ҳафта кунлари ва ойлар кетма-кетлигини, иккинчиси баҳор фаслида юз берадиган ўзгаришларни таърифлади. Гўзал фаслдаги илк байрамларга бағишлаб ёдлаган шеърларини айтишди. «Гуллола» ашуласини пианино жўрлигида мусиқа раҳбари Гулёра Маманова ёрдамида ижро этишди. Саҳна марказидаги полга катта қилиб, «Баҳор» аппликациясини яратишди. Уч ёшли болалар қуёш қаерда туришини, қушлар ундан пастда учишини, булутлар осмонга чиққанда у яширинишини, гуллар дарахтларнинг тагида очилишини шаклларни жой-жойига тахлаб кўрсатишди. Булар уч ой мобайнида нутқ ўстириш машғулотларида ўрганганлари натижаси эди. Навбат математик тасаввурларни ривожлантириш бўйича билиб олганларини кўрсатишга келди. Болалар доирани овалдан, учбурчакни кўпбурчакдан, тўртбурчакни квадратдан фарқлади ва геометрик шакллар иштирокида гуруҳлар иккита уй ясади. Уйнинг томи, роми, эшиги қайси рангда, шаклда эканини айтиб, атроф-олам билан таништириш машғулотларида ўрганганларини намойиш қилишди. Аралаш сочилган уй ва ёввойи ҳайвонларни фарқлаб, уларнинг бир турини ҳозиргина ясаган ҳаворанг уйчага, иккинчи турини яшил уйчага жойлашди. «Қуён» ва «Қушлар учиб келди» ҳаракатли ўйинида ҳайвонларнинг овози, ҳаракатларини кўрсатиб беришди.

Алоҳида тахтачаларга баҳор манзарасини тасвирлаш орқали қуриш-ясаш бўйича малакаларини кўрсатишди. Кўргазмалар доскасига «Баҳор манзаралари» жойланганда ота-оналар фарзандларининг чаққон ва аниқ ҳатти-ҳаракатидан бениҳоя шодланишди.

Гуруҳ марказига йирик баннерли уй ўрнатилди. Тарбияланувчилар «Эчки болалари» эртагини саҳна кўриниши тарзида намойиш этишди. Уларнинг қаҳрамонлар ролини ҳис қилиб ижро этишини Нигора Файзуллаева шундай тушунтирди:

— Эртакларни шунчаки ўқиб бериш билан чекланмаймиз. Болаларни бадиий адабиётга қизиқтиришнинг махсус методи бор. Масалан, янги ўрганиладиган эртак биринчи стол устида қўғирчоқлар ёрдамида образли айтилади. Иккинчидан, тарбиячи тўлиғича айтиб беради. Ундан кейин қайта ҳикоя жараёнида болалар иштироки таъминланади. Тўртинчи босқичда шу эртак қўғирчоқ театри шаклида кўрсатилади. Энг сўнгида эртак сўзлари болалар учун ўз-ўзидан ёд бўлиб кетади ва улар бемалол уни саҳналаштирилган тарзда кўрсатиб бера олади. Шундай ўргатилган тақдирда, болалар эртакни тушунади, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги зиддият моҳиятини таҳлил қила олади. Ҳаттоки ўзаро ўйнаётганда ҳам ролли ўйинларга кўпроқ ўрин беради. Бу уларда ижодкорликни тарбиялайди.

Шу орада эртак ниҳоясига етди ва болалар инглиз, рус тили тўгаракларида ўрганганларини санаш, рангларни, шеърларни айтиш орқали кўрсатишди. Мусиқа садолари остида машғулот якунланди.

### «Энди боғчага кеч келмаймиз»

Таҳлилда тарбияланувчиларнинг иккинчи чоракда эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар ўзлаштирилганини, ҳамма машғулотда фаол қатнашганини тарбиячи ва услубчилар таъкидлади.

Болалар тушликда тифтель шўрва ва балиқли филени ота-оналари билан бирга тановул қилишди. Уйқу пайтида ота-оналар жамоа билан ўзаро фикр алмашди. Муносабат турлича эди, айримларини эшитамиз.

— Энди боғчага кеч қолиб келмаймиз. Бу машғулотларга салбий таъсир кўрсатар экан, — дейди Регина Жумаева. — Авваллари болам боғчада кун бўйи ўйнаб чарчайди, деб ўйлардим. Ўтган чорак ва бунисида боғчага келиб, тарбияланувчи ва тарбиячиларнинг бир дақиқа ҳам бўш вақти бўлмаслигини, куннинг ҳар бир қисмида аниқ режа билан ишлашига амин бўлдим. Ўғлимдаги ўзгаришлар эса уйдаям сезилади. Энди боламнинг шеър ёзилган қоғозни кўтариб, «Боғча опам ёдлаб кел деган», деб ортимдан эргашиб юришига бефарқ қарамайман. Тарбиячиларга бизнинг ёрдамимиз керак экан.

Зулфия Дўстмуҳаммедова тарбиячиларга муносабатини қуйидагича билдирди:

— Гоҳида уйда боламизнинг саволига жавоб бергимиз келмайди, нимадир ўргатолмаймиз. Лекин биргина тарбиячининг шунча болага ҳам тарбия, ҳам таълим бераётганини кузатмасдан олдин уларнинг машаққатли меҳнатини тасаввур қилолмасдим.

> **Омина Шоисломованинг бувиси Шоҳида Шоисломова эса шундай тўхтамга келибди:**
>
> **— Бундай тарбиячиларга ҳар бир ота-она фарзандини ишониб топширса, арзийди. Фидойи тарбиячилардан мингдан минг розимиз! Улар меҳнатини кўриб, боғчага ихлосим янада ошди!**

Боғчага бундай муносабатнинг шаклланишида, жамоанинг меҳнати юзага чиқишида шу каби тажрибаларнинг аҳамияти беқиёс.

**Насиба ЭРХОНОВА,**
**«Ma'rifat» мухбири**

## Yangiliklarda yurt nafasi



❖ **Пойтахтимизда замонавий тиббиёт асбоб-ускуналарини ўрганадиган ва уларга техник хизмат кўрсатадиган янги марказ очилди.**

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари вакиллари, Германиянинг халқаро ҳамкорлик ташкилоти, Россиянинг «Союзмедсервис» маркази мутахассислари, шифокорлар, талабалар иштирок этди.

Марказнинг ўқув ва амалиёт биноси замонавий ўқув-услубий ахборот технологиялари ва тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Бу ерда тиббиёт техниклари малакасини ошириш, соҳа учун мутахассислар тайёрлаш баробарида, тиббиёт техникаларига хизмат кўрсатилади. Жаҳон тиббиётининг бу борадаги илғор ютуқларини ўзлаштириш мақсадида тараққий этган хорижий давлатлар билан ҳамкорлик янада кенгаяди.

— Президентимиз томонидан соғлиқни сақлаш соҳаси олдига қўйилган муҳим вазифаларни ўз вақтида бажариш, халқимизнинг тиббий хизмат сифатидан рози бўлишини таъминлашда тиббиётнинг барча бўғинида юқори технологияли усул ва воситалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муҳим вазифадир, — дейди Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректори вазифасини бажарувчи Ҳ.Оқилов. — Бу чора-тадбирларни ўз вақтида ҳаётга татбиқ этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Соғлиқни сақлаш муассасалари янги диагностика ва даволаш воситалари билан жиҳозланаётир. Улардан самарали фойдаланиш ва яроқлилик муддатини узайтиришда тиббиёт техникаларига сервис хизмати кўрсатишнинг аҳамияти катта. Шу мақсадда институтимизда тиббиёт техникларини тайёрлайдиган янги кафедра очишни режалаштирмоқдамиз.

❖ **Бухорода "Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади" шиори остида ёш тадбиркорларнинг бизнес-форуми ўтказилди.**

Вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда ўқувчи-ёшлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Бизнес-форум доирасида 10 дан зиёд инновацион ғоя муаллифлари ва тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган ёшларнинг лойиҳалари кўргазмаси ташкил этилди. Унда ишбилармон талаба-ю ўқувчилар энергиятежамкор қозон, мўъжаз иссиқхона, тикувчилик, бошқа йўналишлар бўйича ўз ишланма ва режаларини намойиш қилди.

— Биз таклиф этаётган "ақлли иссиқхона"нинг ўзига хослиги шундаки, ундаги датчиклар иссиқхонадаги ҳаво ҳарорати ҳамда тупроқ намлик даражасини аниқлаб, у ҳақдаги маълумотни микроконтроллёрга узатади, — дейди Бухоро муҳандислик-технология институти магистранти Турсунбек Жалолов. — Қурилма бу маълумотларни тезликда қайта ишлаб, иссиқхонага хизмат кўрсатувчи мутахассисга тақдим этгач, иншоот ичкарисидаги ҳарорат ва намлик меъёр даражасига келтирилади. Компьютер асосида ишлайдиган ва қўл меҳнатини енгиллаштирувчи қурилма учун дастурий таъминотни ҳам ўзим яратганман.

❖ **Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси томонидан ҳудуддаги барча умумтаълим мактабларида китоб акциялари, китобхонлик тарғиботига бағишланган маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда.**

Ўрта Чирчиқ туманидаги 72-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида бўлиб ўтган шундай тадбирда ўқитувчилар, маҳалла фаоллари, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари иштирок этди.

— Очиқ мулоқот шаклида ташкил этилаётган бу каби тадбирлар китобхон ўқувчиларимиз сафи янада кенгайишига хизмат қилади, — дейди 72-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби кутубхоначиси Ш.Нажимова. – Китобхон оилалар вакиллари ўз уйларида ташкил қилган шахсий кутубхоналари ҳақида сўзлаб бермоқда. Бу борада энг намунали, деб топилган оилалар тажрибаси тарғиб этилмоқда. Ҳар ойнинг иккинчи ҳафтасида ота-оналар учун "Фарзандимга китоб совға қилдим" акцияси ўтказилмоқда. Ота-оналар туғилган кун ёки турли байрамларда фарзандларига китоб совға қилмоқда. Бу мактабимизда тобора яхши анъанага айланаётгани қувонарлидир.

❖ **Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида «Technovation Challenge» («Технологик ишланмалар») лойиҳаси якунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур лойиҳа ўқувчи-қизларни ахборот технологиялари соҳасига кенг жалб қилишни мақсад қилган. Лойиҳада 15 ёшдан 18 ёшгача бўлган 100 дан зиёд қиз ахборот ва телекоммуникация соҳасидаги билимларини синовдан ўтказди. Улар малакали мутахассислар иштирокидаги семинар ва ўқув машғулотларида орттирган тажрибаларига таяниб ўз дастурлари лойиҳасини тақдим қилди. Тажриба тарзда ўтказилган мазкур лойиҳа экспертлар томонидан ижобий баҳоланди.

— «Technovation Challenge» халқаро миқёсда ўтказиладиган танлов ҳисобланади, — дейди лойиҳа раҳбари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши бўлим мудири Элдор Аҳмедов. — Мақсадимиз ана шу халқаро танловда муносиб иштирок эта оладиган қизларни тарбиялаш. Бунинг учун иштирокчилар ахборот технологияларини пухта билиш билан биргаликда хорижий тилларни ҳам мукаммал эгаллашлари керак.

Тадбирда иштирокчилар турли номинациялар бўйича рағбатлантирилди.

**ЎзА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.**

# Хорижий тилларни ўқитиш:

## *муаммоларга ҳамкорликда ечим изланди*

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 августдаги "Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат умумтаълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш, ихтисослаштирилган мактаблар етакчилигида фан йўналишлари бўйича ўқув жараёнига илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, мавжуд муаммоларни ўзаро ҳамкорликда бартараф этишнинг самарали тизимини амалиётга татбиқ этиш мақсадида шу йил 28 апрелда Халқ таълими вазирлигининг 139-сонли буйруғи қабул қилинди. Унга кўра, ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ўқув-методик кенгашларнинг ўқув-семинарларини ташкил этиш белгиланган.**

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида вазирлик ҳамда Республика таълим маркази ҳамкорлигида хорижий тиллар йўналишидаги методик кенгашнинг ўқув-семинари ўтказилди.

— Ўқув-семинар ишчан ва танқидий руҳда ўтди, — дейди Республика таълим маркази мутахассиси Х.Исоқжонова. — Ихтисослаштирилган умумтаълим мактабларига мўлжаллаб махсус дарсликлар яратиш, уларни методик қўлланмалар билан таъминлаш, ўқитувчилар учун дарс соатларини тақсимлаш ҳамда ўқувчилар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилди. Шунингдек, ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларида хорижий тилларни ўқитиш сифати ва самарадорлигини таъминлаш, педагог кадрлар салоҳиятини янада ошириш лозимлиги таъкидланди. Ўтган ўқув йилида аксарият ихтисослаштирилган мактаб ўқитувчиларининг хорижий тиллардан дарс ишланмаси республика бўйича оммалашмагани танқид остига олинди.

**Феруза ХОЛМУРОДОВА,**
**"Ma'rifat" мухбири**

# Ҳаракатлар стратегияси ўрганилмоқда

**Тошкент давлат аграр университети қошидаги Қибрай академик лицейида "Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда таълим ва тарбиянинг ўрни" мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Фанлар академияси академиклари, университет профессор-ўқитувчилари ҳамда олий ўқув юртига бириктирилган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари раҳбарлари ва ўқитувчилар иштирок этди.**

Тадбирда 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилиши кўзда тутилган кенг кўламли чора-тадбирлар аҳоли турмуш даражасини янги босқичга олиб чиқиш ва "Инсон манфаатлари ҳар нарсадан устун" тамойилини ҳаётга изчил татбиқ этишга хизмат қилиши қайд этилди. Жумладан, академик С.Ғуломов ўқувчиларга Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳиятини ҳаётий мисоллар ёрдамида тушунтириб берди.

— Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш таълим тизимида ўқитиш сифатини янги босқичга кўтаришга ҳам хизмат қилади, — дейди Қибрай академик лицейи директори Раъно Турдибоева. — Шу билан бирга, ўқитувчиларга ўз касбига янада масъулият билан ёндашиш, ёшларнинг танлаган мутахассисликлари бўйича чуқур билим ва малакага эга бўлишини изчил таъминлашни ҳам талаб этади. Зеро, бу жараён Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий-гуманитар ривожлантиришнинг концептуал вазифаларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Қизғин мулоқот руҳида ўтган семинарда Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари олдида турган муҳим вазифалар ижросини таъминлаш механизмлари ҳақида фикр алмашилди.

**Аброр УМАРҚУЛОВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**

# «Чет тилини биргаликда ўрганамиз»

**Боланинг хоҳиши шунчаки бўлмайди. Агар у нималарни орзу қилаётганини таҳлил қилсак, ўз эҳтиёжларини орзуларига сиғдиришга интилаётганини кузатиш мумкин. Ҳозирги ёшларнинг аксарияти инглиз тилини ўрганишга қизиқади. Демак, ўқувчи ўқишга, ўрганишга, янги билимлар олишга чанқоқ.**

Сергели туманидаги 6-ИДУМда ўқувчиларнинг чет тилларни ота-онаси билан бирга ўрганиш тажрибаси йўлга қўйилган. Мазкур тажрибани оммалаштириш ва "Май — хорижий тиллар (инглиз, немис, француз тиллари) ойлиги"ни мазмунли ўтказиш мақсадида «Инглиз тилини ота-оналар билан ўрганамиз» шиори остида очиқ дарслар ташкил этилди. Тумандаги ўнга яқин мактабнинг маҳоратли инглиз тили ўқитувчилари ўтган очиқ дарсларда ота-оналар ҳам фаол иштирок этди. Айниқса, мезбон мактаб ўқитувчиси Ирода Халилованинг 4-синфдаги "Great Britain", 267-мактаб ўқитувчиси Дилноза Абдуқаюмованинг "Clothes", 300-ИДУМ ўқитувчиси Ирода Исмоилованинг "Healthy, unhealthy", 304-мактаб ўқитувчиси Гулҳаё Собированинг "The Chinese New Year story" дарслари қизиқарли ўтгани эътироф этилди.

**Насиба ЭРХОНОВА,**
**«Ma'rifat» мухбири**

# АКТ саводхонлиги

## *ёш ўқитувчилар учун жуда муҳим*

**Умумтаълим тизимида фаолият юритаётган педагог-ходимларнинг компьютер саводхонлиги ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш малакасини ошириш, касбий маҳоратини юксалтириш мақсадида Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университети билан ҳамкорликда семинар-тренинг машғулотлари ўтказиб келинмоқда.**



Ана шундай тадбирнинг навбатдагиси Юнусобод туманидаги 327-мактабда ташкил этилди. Мазкур семинарда умумтаълим мактабларига янги ишга қабул қилинган информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчилари тўрт кун давомида малака оширди.

Машғулотларда ўқув дастурига киритилган мавзуларни чуқур ўргатиш, сифатли таълим беришга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, матн муҳаррири, электрон жадваллари, тақдимот ва график муҳаррири дастурларини ўқувчиларга пухта ўргатиш бўйича амалий тавсиялар берилди.

**Илҳом ЖЎРАЕВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**

2017-yil 13-may, № 38 (8999)

Olamning oynasi

*Улуғ асарлар, улуғ адабиёт яратиш учун буюк истеъдод, буюк қалб, буюк мақсад керак. Рабиндранатҳ Тҳакур ана шундай гениал инсон эди. У "Маҳабҳорат", "Рамаяна", "Панчатантра" сингари ўлмас асарлар яратган, кўпасрлик жуда қадимий тарихга эга бўлган Ҳиндистон адабиётида янги порлоқ саҳифа очди. Бангол адабиётида, умуман, ҳинд адабиётида янги даврни асослаб берди.*

*Тҳакур инсонпарвар адиб, шоир, носир, драматург, композитор, рассом, файласуф, жамоат арбоби, мураббий, маърифатпарвар сифатида халқ орасида катта ҳурмат-эътибор қозонди. У 1913 йили Осиё ёзувчиларидан биринчи бўлиб халқаро Нобель мукофоти билан тақдирланди.*

*Рабиндранатҳ Тҳакур ижоди Ҳиндистон адабиётида бутун бир даврни ташкил этади. Адиб ўзидан жуда бой адабий мерос — кўплаб шеърий тўпламлар, романлар, қиссалар, ҳикоялар, пьесалар, ранг-баранг публицистик асарлар, адабиётшунослик, тилшунослик, фалсафа, дин, педагогикага доир китоблар қолдирди. Тҳакур ижоди бутун дунёда кенг шуҳрат топди. Унинг "Халқ қалби" шеъри Ҳиндистон Республикасининг, "Менинг олтин Банголиям" қўшиғи Бангладеш Халқ Республикасининг давлат гимни бўлиб қолди.*



*Буюк ҳинд адибининг ижоди билан ўзбек халқи XX аср аввалларидан яхши таниш. Она тилимизда Тҳакурнинг 8 жилддан иборат асарлари нашр этилган.*

*Қуйида адибнинг бир асаридан парча эълон қилаётирмиз.*

**Рабиндранатҳ ТҲАКУР**

# Кутубхоналарнинг фойдаси

Очкўзлик — инсониятнинг асосий ички душманларидан биридир. Одам тўплаш ва жамғаришга берилиб кетар экан, сон кетидан қувиб, йиғишдан мақсад нималигини унутиб қўйишга мойил бўлади. У ўз сейфини тўлдириш учун пул тўплайдими ёки ўз мазҳабига аъзоларни сафарбар этадими, барибир, йиғиш-тўплаш васвасаси уни беихтиёр гирдобига тортиб кетади ва даҳшатли даражада пировард-мақсадни кўз олдидан тўсиб қўяди: одам сон ҳақиқат мезони бўлолмаслигини унутади.



Кўпчилик кутубхоналар ана шу тўплаш касалига гирифтор бўлган. Уларда сақланаётган китобларнинг тўртдан уч қисмидан фойдаланилмайди. Оқибатда ошиқчаси баъзан бир бурчакка қалаб қўйилади, фақат камроқ, сараланган қисмидан ҳақиқатда фойдаланилади. Ўзаро гап-сўзларда жуда бой кимсани "катта одам" деб атайдилар. Анжуманда мабодо бирор миллионер пайдо бўлиб қолса, ҳамма унга иззат-ҳурматини намойиш этиш учун бир-биридан ўзишга ҳаракат қилади. Ваҳоланки, бундай иззат-икром аслида мазкур шахснинг ўзига эмас, балки унинг бойлигига қаратилгандир. Худди шу сингари кутубхоналарнинг аҳамияти ҳам одатда унда сақланаётган жилдларнинг сони билан белгиланади. Ҳар бир кутубхонага фахрланиш учун чинакам ҳуқуқ берадиган жиҳат — китоблардан фойдаланишнинг қулайлиги масаласига эса етарлича аҳамият берилмайди.

Тилимизнинг сўз бойлиги икки хазинада: луғатларда ва адабиётимизда қамралган. Маълум бўлган барча сўзларни батафсил луғатларда бирлаштириш фойдалидир. Албатта, уларнинг нисбатан оз қисмигина ҳақиқатда фойдаланишга яроқлидир. Бадиий асарларда жамланган сўз бойлиги — доимий ишлатиладиган жонли сўзлар хийла оз; аммо тан олиш керакки, шу маънода адабиётнинг нисбий қиммати луғатларникидан юқоридир.

Кутубхоналар хусусида ҳам шундай дейиш мумкин. Кутубхона китоб фондининг кенг тўплаш мақсадларига хизмат қиладиган қисми, албатта, муайян қимматдан маҳрум эмас. Бироқ кутубхонанинг аҳамияти унинг доимий ва ҳар томонлама фойдаланишга мўлжалланган қисмининг аҳамиятига кўра белгиланади.

Одатда ўртамиёна кутубхоначи китобларнинг кўпроқ қисмидан мумкин қадар кенгроқ фойдаланиш йўллари тўғрисида камдан-кам ўйлайди ва қайғуради. Чунки жамоатчилик фикрига китобларнинг мўл-кўллигини дастак қилиб таъсир этиш анча осонроқдир.

Кутубхонадан ҳар тарафлама фойдаланишни йўлга қўйиш учун унинг фонди системали равишда аниқланиб бориши зарур. Акс ҳолда, оддий китобхон ўзига керакли китобни қийинчилик билан топади; кутубхона ғоят ободу, бироқ алоқа воситалари билан етарли таъминланмаган шаҳарнинг аҳволига тушиб қолади. Аниқ мақсад билан кутубхонага келган китобхон пухта қидиришлар натижасидагина тўғри йўлни топиши мумкин, холос. Аммо кутубхонанинг бу борада ўз зиммасидан масъулиятни соқит этишга ҳаққи йўқ. Негаки, кутубхона китобларга эга экан, у ана шу китобларни, агар улар ўқишга арзиса, китобхонлар ўқиши учун барча чора-тадбирларни кўриши керак. Бунда кутубхонанинг ўқувчиларни сусткашлик билан кутиб ўтириши етарли эмас, кутубхонанинг таклифи фаол бўлиши даркор. Санскрит мақолида шундай дейилади: "Нимаики фойдаланилмаса — қадрини йўқотади".

Одатда кутубхона китобхонни қарши олар экан, унга шундай дейди: "Мана менинг каталогим, келиб танлайверинг". Бироқ одатдаги каталогда муқаддима ҳам, таклифнома ҳам йўқ, ундан меҳмондўстлик руҳини ҳам топмайсиз. Китобхонни фақат ўзи таклиф этишга ҳадди сиғадиган базмга чорлашга интиладиган кутубхонагина меҳмоннавоз деб аталишга лойиқдир. Фонднинг кўлами эмас, балки меҳмондўстлик даражаси кутубхонани йирик муассасага айлантиради.

Кутубхонага фақат китобхонларгина таъсир кўрсатади, деб ўйлаш тўғри бўлмайди. Худди шунингдек, кутубхона ҳам китобхонларга таъсир кўрсатади.

Шуни ёдда сақлаган ҳолда, биз айни замонда кутубхоначининг иши нақадар муҳим эканини ҳам эътиборда тутамиз. Унинг меҳнати адабиётларни харид қилиш, таснифлаш ва сақлаш билан чегараланмайди. Бошқача айтганда, адабиётларни кўпайтириш ва уларни мазмунига қараб ажратиш билан кутубхоначининг вазифаси тугамайди: у ўз китобларини яхши билиши керак. Агар кутубхона ҳаддан зиёд катта бўлса, бутун китоб фондини яхши билиш кутубхоначи учун имкондан ташқари бўлиб қолади. Шунинг учун, менинг фикримча, катта кутубхона фақат хазина сифатида хизмат қилиши мумкин; фақат кичкина кутубхонагина "емакхона" вазифасини ўтай олади: у ердан эҳтиёжни қондирадиган озуқа ва лаззатли "таом"ни ҳамиша топиш мумкин. Менинг тасаввуримда бундай кичкина кутубхона ўзида барча масалалар бўйича фақат танланган китобларнигина жамлайди. Бирорта ҳам китоб сонни кўпайтириш учун сотиб олинмаслиги, ҳар бир китоб ўз қадрига биноан баҳоланиши керак. Кутубхоначи ўз ишига бутун қалби билан берилган одам бўлиши лозим. У хаёлпараст, жавонларни тўлдириб ташлаш ҳирси қаттиқ асир этган кимса бўлмаслиги даркор. У адабиётларни онгли равишда саралай олиши зарур. Кутубхонада унинг ўз меҳмонларига ҳузур бағишлай олиши учун етарли даражадагина китоблар сақланиши лозим. Кутубхоначи яхши мезбоннинг барча фазилатларига эга бўлиши, бироқ зинҳор-базинҳор омборчининг хислатларига эга бўлмаслиги керак...

**Рус тилидан Маҳмуд САЪДИЙ таржимаси.**

# Китобдаги хатоликлар

## *саводхон китобхон завқини бўғади*

***...Ўзгалар қувончи ва интилишларига эътиборли, ҳаёт мазмуни, яшашдан мақсадни тўғри англаб етган комил вужудлармиз. Қай биримиз шунинг фаҳмига етмаётган бўлсак, демак, маънавиятимизда нимадир кемтиклик зоҳир. Маънавият эса марафон мусобақаси эмас. У қон-қонимизда, тарбияда шаклланадиган жавҳардир.***



Биз ўз лоқайдликларимиз ортидан ана шу жавҳар жилосини бўғиб қўяётгандекмиз. Қандай қилиб дейсизми? Яна ўша кўча-кўйдаги реклама, афишалар билан! Бот-бот айтилганига қарамай, пешлавҳалар саводсизлик уясига айланиб қолгандек. Нима эмиш, "Ўқув юрти биносида видеоназорат ишлаябди" эмиш. Бу гап қурилиши услубий, имловий жиҳатдан хато эканини муассаса раҳбарига тушунтиришга уриниб кўрдик. Раҳбар бу лавҳани илишдан олдин мутахассис кўригидан ўтказганини айтди ва биз мутахассис савиясига баҳо бериб қўя қолдик. Фалон пул сарфланиб тайёрланаётган бу каби яроқсиз баннер, кўргазма ва лавҳаларни ҳар қадамда учратамиз. Нега биз чаласаводликни кўз-кўз қилишдан уялмайдиган бўлиб қолдик? Бу каби "ҳуруж"ларга жимгина елка қисиб қўя қоламиз, нима учун? Бу иллатнинг илдизи қаерда ўзи?! Яна айланиб-айланиб, гапни мактабга тақашимиз тўғримикан? Айбни муаллимга тўнкашдан олдин ўз миямизда ўйлаб кўрсак...

Болалар нашрларидан бирида берилган икки саҳифалик эртак хатоликларга лиқ тўла эди — таҳририятга қўнғироқ қилдим, фикрларимни айтдим. Тасодифни қаранг, гўшак ортидаги киши муҳаррир экан. У ўзини оқламади, дардини айтди: "Кимсиз?! Ёнимда турганингизда бағримга босардим...". Унинг ҳолатини тушундиму, шунда ҳам бир ўй сира тинчлик бермади: "Саводли мусаҳҳиҳ йўқ дейсиз, аммо масъул шахс сифатида нашрга имзо қўядиган ўзингизку!". Ана шунда кўча-кўй аҳволоти айрим китоблар имлоси олдида ой деса ойдек кўриниб кетди.

Бугун китоб отлиғ ахборот манбаи кўп. Бир киши бор умрини фақат китоб ўқишга сарфласа ҳам, барча китобларни ўқиб чиқолмаслиги кундай равшан. Вақтни қадрлаган ҳолда, инсоният тажрибасидан энг сара манбалар сифатида эътироф этилган асарларни ўқиб чиқиш бош масаладир. Шундай экан, барча эътироф этган асарлар рўйхати ёш китобхонни қўлига тушиши мумкин бўлган савияси паст, бадиий дидни ўтмаслаштирадиган, тарбияга акс таъсир кўрсатадиган манбалардан муҳофаза қилади. Ўқилиши зарур китоблар рўйхатига ўзбек адабиётидан ташқари, қардош ва жаҳон халқлари адабиёти намуналари киритилмоғи ўз-ўзидан аён. Демак, таржимонлар ҳам белни маҳкам боғлашига тўғри келади. Ўз юртида қадрланадиган барча асарлар ўзбек тилининг маданий мулкига айланиши ҳаракатида бўлмоқ керак.

Чин китобхонни эса асар ҳажми зинҳор чўчитмайди, баъзан уни ўқиб бўлиб тугаб қолганига ачинасиз. Масалан, халқ оғзаки ижоди намуналари — халқ достонлари ўзининг беқиёслиги билан лол қолдиради. Бутун ижод аҳли бир жойга тўпланганда ҳам улар даражасидаги бадиий юксакликни қамраб ололмайди. Улар мангу илҳомбахш чўққилардир.

Аввало, бадиий асар китобхонни янги олам — китоб дунёсига етаклаб киради, уни хаёлотнинг кенг сарҳадларига олиб чиқади. Бу парвоз сўзлар қанотида кечади. Парвоз давомида ёш китобхон бир дунё янги сўзлар қуршовида қолади. Ҳеч ким уларнинг маъносини англамай туриб, парвоз завқидан баҳраманд бўлолмайди. Шу саҳифанинг ўзида нотаниш сўзнинг изоҳи берилса, ёш китобхон завқи пасаймасдан, фикрлари чувалмасдан, изоҳланган сўзни матндаги нотаниш сўз ўрнига қўйиб, вақт йўқотмасдан, айтилмоқчи бўлган фикрни илғай олади ҳамда сўз захирасини яна биттага бойитади. Демак, ёшроқ ўқувчига мўлжалланган китобларда нотаниш сўзларнинг изоҳи кўпроқ бўлмоғи керак.

Иккинчидан, ёш китобхонга мўлжалланган китоб барча китоблардан кўра ҳам имло, услубий, тиниш белгилари қоидалари асосида саводлироқ ёзилмоғи шарт. Чунки бадиий асар бевосита саводхонликка ҳам ўргатади. Ёш китобхон наздида, умуман олганда ҳам, китоб — муқаддас восита, у хатоликлардан холи бўлмоғи зарур. Ёш китобхон ўзи дуч келган ифодани миясига суратлаб олади ва шу сўзни амалиётда қўллашга зарурат туғилса, хаёл кўзгусига лоп этиб ўша хато сурат қалқиб чиқаверади.

Саводсиз ёзилган асар китобхон шашти ва завқини бўғади, уни мутолаадан совитади. Яқинда нашрдан чиққан, 857 саҳифалик китобни қизиқиш билан ўқишга киришдим. Афсуски, унинг дастлабки саҳифалариёқ хатоликларга тўла. Қизил сиёҳли ручкада хатоларни белгилаб бордим. Хатоларни белгилашга қизиқишим ортиб мутолаага қизиқишим сўнди. Китобнинг 80-саҳифасига келиб қолибманки, асар "лолазор" бўлиб кетибди. Уни бир четга суриб қўйишдан бошқа чора қолмади. Шунда бояги раҳбар ҳолатини ўз танамда ҳис этгандек бўлдим.

**Шодиёр ТЎРАЕВ**
Қўшработ тумани

# Учмас қушлар меҳрга муҳтож

*Африка саҳролари бўйлаб югураётган туяқушни, Антарктиданинг муз соҳилларида қўним топган пингвинлар ва Янги Зеландия ўрмонларида учрайдиган киви қушини кўз олдингизга келтиринг. Тана тузилиши, табиати, яшаш шароити, озиқланиши турлича бўлса-да, аммо бу жониворларни ўзаро боғлаб турадиган жиҳатлар бор экан — улар қаноти бор бўлса-да, учолмайдиган қушлар ҳисобланади.*



Афсуски, сайёрамизда мавжуд учар қушлар билан таққослаганда, улар ниҳоятда кам, бармоқ билан санарли. Сабаби оддий: учадиган қушлар ёввойи табиатнинг бешафқат оламида парвози эвазига жон сақлаб қолади ва ҳимояланади. Шунингдек, озуқа қидириб, узоқ масофани босиб ўтади. Бундан ташқари, “учарлар” ўз авлодини душмандан асраш мақсадида баланд жойларга ин қуриб, бола очади.

Шундай имкониятлардан маҳрум учмас қушлар тури тобора камайиб бормоқда, уларнинг кўп қисми халқаро «Қизил китоб»га киритилиб, муҳофаза қилинади. Шу ўринда савол туғилади: нега айрим қушлар учолмайди?

Бу борада дунё олимлари турли фикрларни илгари сурган. Қушларнинг учмас вакиллари динозаврлардан тарқалганини тахмин қилувчи мутахассисларнинг фикрича, айрим динозаврлар танаси пат ва парлар билан қопланган. Эволюция жараёнида патлар қанотга айланган ва учмас қушлар шакллана бошлаган.

Баҳс-мунозараларга сабаб бўлган кўплаб тахминлар орасидан Австралия миллий университети олими Мэтью Филлипс ўтказган тадқиқотлар ҳақиқатга яқин, дея тан олинган. Унинг раҳбарлигидаги гуруҳ 22 турдаги қушнинг, жумладан, 3 турдаги учмас қадимги моа қушининг ДНКсини ўрганиб, ўзаро таққослади. Таҳлил натижалари барчани ҳайратда қолдирди. Бўйи 2,5 метр, оғирлиги 250 кг бўлган, учмайдиган қушларнинг энг кекса аждоди саналган қадимги моа қушининг ДНКси ҳозир мавжуд бўлган, каклик катталигидаги тинаму қушиники билан бир хил экан. Ажабланарлиси, Жанубий Америкада учрайдиган тинаму учадиган қушлар сирасига киради.

Австралиялик биологлар ушбу тадқиқотдан сўнг Ер юзидаги жами қушлар — ҳоҳ учадиган, ҳоҳ учолмайдиган бўлсин, бари битта қушдан тарқалганига ишонч ҳосил қилди. Улар тузган шажарага кўра, бир қушдан бошқа қуш вакилининг пайдо бўлиши тахминан 80 миллион йил олдинга бориб тақалади. Қадимги қушлардан пайдо бўлган авлоднинг бирламчилари туяқушлар ҳисобланади. Бундан қарийб 75 миллион йил олдин эса нанду, 70 миллион йил олдин моа ва тинамунинг аждодлари ажралиб чиқа бошлаган.

Олимлар қушлардаги учиш қобилиятининг йўқолишига, яшаш тарзи ўзгаришига асосий сабаб динозаврларнинг қирилиб кетиши, деб ҳисоблайди. Чунки Ер юзида уларга халал берадиган, қирон келтирадиган рақиблар қолмаганидан кейин ерда эмин-эркин ҳаракатлана бошлаган. Бундан ташқари, озуқа қидириб, узоқларга учишга ҳам эҳтиёж сезмаган. Натижада уларнинг танаси йириклашиб кетган. Табиийки, оғир вазн билан учиш мушкул.

Биласизми, учадиган қушларда мавжуд тўш суяги учишни таъминловчи мушакларни бирлаштириб турадиган таянч вазифасини бажаради. Учолмайдиган қушларда эса бу суяк жуда нимжон ривожланган ёки умуман мавжуд эмас. Бу, ўз навбатида, қанотларнинг заифлашувига олиб келади. Гарчи айримларининг қанотлари узун бўлса-да, ўз вазнини кўтаришга кучи етмайди.

Учмас қушлар йиллар давомида ерда яшашга мослаша бориб, ўзларини ҳимоя қилиш чораларини ҳам «топди». Уларнинг аксарияти тез чопади, бошқалари моҳир сузувчи. Баъзи қушлар ўзига хос ҳимоя рангига ҳам эга бўлиб, бу йиртқичларни чалғитади. Айёр туяқушлар эса хавфни сезиши билан бошини ерга тиқиб, юзтубан ётиб олади. Натижада йирик гавдаси поёнсиз кенгликда яққол кўзга ташланмайди, рақибга кичик бута ёки шох-шаббадек кўринади.

Маълумки, учмас қушлар орасида энг кенг тарқалгани бу — **пингвинлар.** Яхши суза оладиган ва сув тубига шўнғийдиган бу паррандалар жанубий яримшарни макон қилган бўлиб, ҳаётининг 75 фоизини сувда ўтказади. Пингвинларнинг суяк тузилиши ўзига хос бўлиб, сувда посанги вазифасини ўтайди, яъни улар ҳаво тўлдирилган нимча кийган ғаввослардек сувда чўкмайди, муаллақ туради. Кенг қанотлари сузгич вазифасини бажаради ва сувда соатига 15 км тезликда ҳаракатланади. Мукаммал тузилишга эга танаси суйри шаклда, оёқлари эшкакни эслатади, қуюқ ва қаттиқ патлари зич жойлашган бўлиб, қалин ёғ қатлами туфайли сув ўтказмайди. Шу сабабли улар муздай сувда ҳам эркин ҳаракатланади. Ола-була ҳимоя ранги туфайли йиртқичлар кўзига яққол ташланмайди.

**Африка туяқуши** — учолмайдиган энг йирик қуш. Вазни оғир бўлишига қарамай, ниҳоятда чаққон, оёқ мушаклари кучли ривожланган. Тўлиқ пат билан қопланганига қарамай, қанотлари ҳам тузилган, кенг ёйилганда 2 метрга етади. Бироқ 65—160 килогача вазнни кўтариб учиш осон иш эмас. Туяқушлар учишни эплай олмаса-да, соатига 70 км.гача югуриши мумкин. Қолаверса, уларда эшитиш ва кўриш қобилияти яхши ривожланган бўлиб, душманни узоқдан пайқайди. Мабодо йиртқич яқин келиб қолган бўлса, кучли оёқларини ишга солади ва 50 килолик зарба билан унча-мунча қонхўрни майиб қилиши ҳеч гап эмас.

**Эму** деб номланган, Австралияда яшайдиган йирик қушнинг тана тузилиши туяқушникига ўхшаб кетади. Эмунинг баландлиги 1,9 метр, оғирлиги 55 килони ташкил этади. Чопағон бу қушнинг югуриш тезлиги соатига 50 км.га етади. Чала ривожланган қанотларининг узунлиги 20 сантиметр. Уларда ҳам оёқ мушаклари яхши ривожланган бўлиб, ўткир тирноқлари йиртқичлардан ҳимояланади.

**Нанду** — Жанубий Америка даштликларида тарқалган қуш бўлиб, узунлиги 140 см, оғирлиги 20—25 килони ташкил этади. Ташқи кўриниши туяқушни эслатса-да, аслида у билан бир турга мансуб эмас. Хавф туғилганда соатига 60 км тезликда чопа олади. Табиатда уларнинг душманлари кўп, ягуар ва пумаларнинг севимли озуқаси бўлган нандунинг полапонларига ёввойи итлар ҳам ҳужум қилади, зирҳли ҳайвонлар эса, уларнинг инини бузиб, зарар келтиради.

**Казуар** — Янги Гвинеянинг тропик ўрмонларида ва Австралиядаги оролларда яшовчи савлатли қушнинг баландлиги 1,5—1,8 метр, оғирлиги эса 60 кило. Соатига 50 км тезликкача чопадиган бу қушнинг 20 см.ли қанотлари шунчаки қолдиқ организмдир. Уларнинг майин ва узун патлари ҳайвон юнгини эслатади.

Казуарларнинг ўзига хос жиҳати бошидаги 17 см.га етадиган шохсимон ўсимтаси, яъни дубулғаси. Бундай ҳосила Ер юзидаги бошқа ҳеч бир қушда учрамайди. Вояга етган қушдаги дубулғанинг ўзак қисми тоғайдан иборат бўлиб, устки қисми қаттиқ ва ялтироқ мугуз билан қопланган. Энди дунёга келган полапонларда шох ўрнида юмшоқ пластина бўлади, у йил сайин қаватма-қават ўсади ва бош суягига қўшилиб кетади. Охир-оқибат дубулғанинг мугуз қопламаси шу даражада қаттиқлашадики, қуш нобуд бўлиб, чириб кетганда ҳам, шохи сақланиб қолади.

Дубулғанинг вазифаси ҳақида бир гуруҳ олимлар тропик ўрмондаги чигал шох-шаббалар, бута ва дарахтларни суриб, йўл очади ва бошга бирор қаттиқ мева тушиб, шикастлашидан сақлайди, деса, бошқалари дубулға казуарларнинг қичқириғини узоқ-узоқларга таратишда ўзига хос резонанс вазифасини бажаради, дейди.

Казуарларнинг оёқлари ҳайвонларники каби бақувват бўлиб, ҳамла қилса, 12 см.га етадиган ханжардек ўткир тирноқлари билан рақибини тилка-пора қилиши мумкин. Қалин ўрмон оралаб соатига 50 км тезликда югурадиган бу қушлар сузишга ҳам уста.

Халқаро «Қизил китоб»га киритилган, йўқолиб кетиш арафасидаги казуарларнинг асосий кушандалари ёввойи итлар ва тўнғизлар бўлиб, улар қушларнинг тухумлари ва полапонларига қирон келтиради. Кўп ҳолларда бу қушлар ўрмон ёқалаб, катта йўлга чиқиб кетади ва уларни автомобиллар босиб кетади. Жароҳатланганларини австралиялик фермерлар ўз қарамоғига олади, даволайди. Бироқ уларни парваришлаш ниҳоятда қийин, ўткир тирноқли оёқлари билан одамларга ҳамла қилиши ёки 1,5 метргача сакраб, қочиб қолиши мумкин.

**Киви** Янги Зеландиянинг рамзи ҳисобланади. У қуюқ ўрмонда яшаб, тунги ҳаёт тарзига мослашган жонивор. Беозор ва қўрқоқ бу қуш кундузи буталар орасида ва чангалзорларда яширинади, кечалари яхши ривожланган ҳид билиш қобилияти орқали емиш излайди. У қурт-қумурсқалар, умуртқасиз ҳайвонлар билан озиқланади, емишни узун тумшуғи ёрдамида ҳўл тупроқ остидан тортиб олади. Қанотлилар орасидаги ягона қанотсиз қуш ҳисобланмиш киви узун ва пахмоқ юнги туфайли жажжи ҳайвонни эслатади. Тумшуғи ёнидан мушукники сингари мўй ўсиб чиққан бўлиб, улар ёрдамида йўлни аниқлайди, мўлжал олади.

«Қизил китоб»га киритилган бу қушнинг камайиб кетиш сабабларидан бири, одамлар уларни юмшоқ ва майин гўшти учун овлаши ҳамда йиртқич ҳайвонлар ҳужумидир. Шунингдек, улар макон этган ўрмонларнинг кесилиб кетаётгани ҳам бунга озми-кўпми ўз таъсирини кўрсатади.

**Қорабузов** — Галапагос оролларида яшовчи бу қуш сақоқушлар туркумига киради. Кўринишидан ўрдакни эслатувчи парранданинг калта қанотлари кесиб қўйилганга ўхшайди. Танасининг узунлиги 1 метр, оғирлиги 2,5—5 килогача. Оёқларидаги сузгич пардалар сувда яхши сузиш имконини беради. Бироқ ёғ безларининг суст фаолияти оқибатида патлари жиққа ҳўл бўлиб кетади. Натижада сувдан чиққан қорабузов ҳўл патларини қуритиш учун узоқ муддат қуёшда тобланишга тўғри келади. Сувда кўп сузолмаслиги ва учолмаслиги туфайли тўнғиз, ёввойи ит, мушукларга ем бўлаётган бу қушнинг сони ҳозир 1600 тача экан.

**Какапо** ёки уккисимон тўтиқуш. У эволюция жараёнида учиш қобилиятини йўқотган ягона тўти ҳисобланади. Какапо Янги Зеландиянинг жануби-ғарбий қисмидаги қуюқ ўрмонларда яшайди. Ўзига дарахт илдизлари остида ин қуриб, кундузи ўша ерда жон сақлайди. Қуёш ботгандан кейин инидан чиқиб, озуқа излайди.

Бир пайтлар Янги Зеландиянинг туб аҳолиси бу қушни мазали гўшти учун овлаган. Бундан ташқари, картошка, ямс ва таро каби озуқабоп ўсимликларни етиштириш мақсадида какаполар яшайдиган ўрмонларнинг кўп қисми кесилиб, ўзлаштирилган. Шундан кейин уларнинг сони секин-аста камая бошлади. Бироқ энг катта хавф европалик аҳоли ўрмон яқинига кўчиб келгач, пайдо бўлди. Аниқроғи, улар ўзлари билан олиб келган ит, мушук, каламуш ва сувсарлар какаполарнинг тухумлари ва полапонларига қирон келтиради. Натижада XX асрнинг 50-йилларида митти қушларнинг сони атиги 30 тача қолган.

Шундан буён бу қушларни овлаш ва ҳудуддан олиб чиқиш қатъиян тақиқланган. Олимлар уларнинг тухумларини асраш ва кўпайтириш мақсадида бир нечтасини қўриқхоналарга олиб бориб, кўпайтиради. Улар «Қизил китоб»га киритилгач, яна кўпаймоқда.

Қисқаси, бир пайтлар озиқ-овқатнинг сероблиги, ҳаёт учун хавф соладиган йиртқичларнинг йўқлиги туфайли ерда яшашга мослашган, учишга эҳтиёж сезмаган, ўз маконида хотиржам кун кечирган қушлар учун бугун энг катта душман — одамлар бўлиб қолмоқда. Йиртқич ҳайвонлар-ку, онгсиз мавжудотлар, биз инсонлар тафаккуримиз, онгимиз шаклланган, қолаверса, табиат тутумига жавобгармиз. Шундай экан, Ер юзидаги ҳар бир жониворни ўз ҳолига қўйилик, уларнинг табиатда муҳим вазифаси борлигини ва бу жабҳада уларнинг ўрнини бошқа жонзот ҳам, илғор технология ҳам босолмаслигини унутмайлик.

Наргиза ШОДМОНОВА
тайёрлади.

2017-yil 13-may, № 38 (8999)




## ЯНГИ УЗИЛГАН МЕВА ФОЙДАЛИ

**Британиялик ва хитойлик тиббиёт ходимлари янги узилган меваларни истеъмол қилиш организмда диабет касаллиги ривожланишининг олдини олишини аниқлади. Тадқиқот натижалари "Plos Medicine" журналида эълон қилинди.**



Янги узилган мевани еган кишилар камдан кам ҳолларда диабетга чалинар экан. Уларда касалликнинг ривожланиш эҳтимоли камида 5 йилга тўхтайди. Айни шу вақтда диабет билан оғриган беморлар белгиланган меъёр асосида мева истеъмол қилса, ҳаттоки ўлим хавфи ҳам касаллик даврига нисбатан ўртача 1,9 фоиз камаяди.

Мутахассислар ХКБ (China Kadoorie Biobank)дан рўйхатдан ўтган 500 кишини етти йил давомида кузатиб, юқоридаги хулосага келди.

Олимлар беморларни ўрганиш асносида касалликнинг янги шаклларини ҳам кашф этишди. Муҳими, беминнат қуёш тафтида етилиб пишган, шарбатга лиммо-лим меваларнинг инсон саломатлигига, хусусан, диабетни бартараф этишга ижобий таъсири ўрганилди. Тўғри, бу борада илгари ҳам кўплаб илмий изланишлар олиб борилган, бироқ бу диабет ва унинг асоратларига қаратилган дастлабки иш экани билан ҳам эътиборга лойиқ.

## ЮПИТЕРНИНГ ЭГИЗАГИ ТОПИЛДИ

**Халқаро астрономлар гуруҳи Юпитердан уч баробар оғир бўлган газли улкан "MOA-2016-BLG-227Lb" экзосайёраси борлигини аниқлади. У Ердан 21 минг ёруғлик йили узоқликда жойлашган. Бу ҳақда "Phys.org" сайтида хабар берилди.**



"MOA-2016-BLG-227Lb" ўтган йили Янги Зеландиядаги Маунт Жон обсерваториясида ўрнатилган "MOA-II" телескопи ёрдамида кашф этилган.

Бунинг учун гравитациявий линзалаш усулидан фойдаланилган. Мазкур астрономик ноёб ҳодиса қуёш нурлари траекторияси бўйлаб бир астрономик объектнинг бошқа осмон жисмлари гравитация майдонига ўтишида содир бўлган. Замонавий телескоплар орқали кузатиш сайёранинг асосий параметрларини аниқлаш имконини берди.

Астрономлар ушбу объект қуёш системасидаги энг йирик сайёралардан бўлмиш Супер-Юпитерлар синфига тегишлилигини таъкидламоқда. Экзосайёра кичик қизил ёки тўқ сариқ юлдузлар атрофида айланади.

## ҚУРБАҚА ГРИППДАН ҲИМОЯЛАЙДИ

**Ҳиндистонлик олимлар қурбақаларнинг "Hedrophylax bahuvistara" турини ўрганиб, улар кўплаб грипп штаммларига қарши моддалар ишлаб чиқаришини аниқлагани "EurekAlert!" сайтида ёзилди.**

Тадқиқотчилар мамлакатнинг жанубий қисмида учрайдиган қурбақалар организмидаги оқсил моддаларни таҳлил қилди. Натижада 32 пептиддан тўрттасида грипп вирусига қарши хусусиятлар аниқланган. Эътиборли жиҳати шуки, тадқиқот жониворнинг энг зарарсиз тури устида ўтказилди. У инсон қон ҳужайралари учун ҳам хавфсиз ҳисобланиб, вирусга қарши таъсир кучига эга.

Тадқиқотчиларнинг айтишича, ундан тайёрланадиган доринининг потенциалини аниқлаш учун миллион хил бирикмаларни ўрганиш зарур. Шундай бўлса-да, препаратдаги тўртта модданинг инсон организмига бирдан таъсир кўрсатишиёқ олимларни ҳайратлантириди.



Гриппдан ҳимояловчи модда вируслар юзасида жойлашган геммаглютинин(Н1)ни блоклайди. У ҳужайраларга сингиб, ҳимояловчи модданинг бутун тана бўйлаб ёйилишига имконият яратади.

## ЧИНИҚИШНИНГ ОСОН УСУЛИ

**Массачусетс технологиялар институти олимлари жисмоний машқлар бажариш чиниқишнинг энг самарали йўли, деган хулосага келди. Тадқиқот натижалари "Nature Communications" журналида эълон қилинди.**

Олимларнинг фикрича, кўнгилга яқин кишилар даврасида спорт билан мунтазам шуғулланиш машғулотларга бўлган қизиқишнинг ортишига, иштиёқнинг кучайишига сабаб бўлади. Бу аёллардан кўра эркакларда самарали натижа беради.



Югуриш билан шуғулланувчи 1,1 миллион киши иштирокида олиб борилган кузатувлар натижалари таҳлил этилганда, ўрта ёшдагиларнинг ҳар бири 5 йил давомида 350 километрдан ортиқ масофага югургани аниқланган. Айни кўрсаткич катта ёшлилар қайд этган натижага нисбатан юқорироқ эканини англатади.

Аввалроқ америкалик шифокорлар ўрта ёшдаги жисмоний фаоллик йигирма йилдан сўнг инсон бош мия фаолиятининг пасайиши билан боғлиқ бўлиши мумкинлигини таъкидлаганди. Дарвоқе, испаниялик мутахассислар таъбирича, Европа иттифоқига аъзо мамлакатлар орасида жисмоний фаоллик бўйича энг юқори кўрсаткич Швеция, Дания ва Финляндия аҳолисига тўғри келади.

## СОПОЛДАН ИШЛАНГАН СМАРТФОН

**Хитойнинг "Xiaomi" компанияси кўплаб қулайликларга эга янги смартфон тақдимотини ўтказди. Қурилма ҳақидаги маълумот компаниянинг "Twitter"даги саҳифасида берилди.**

Қурилма кўк рангли фильтр билан қопланган Full HD-дисплей(диагонали 5,15 дюйм)га эга бўлиб, кўзни бир ёруғлик йилчамидаги нурдан ҳимоялайди.



Смартфон камераси худди "iPhone 7 Plus" қурилмасининг камерасига ўхшаш қилиб ишланган. Ҳар икки модул ҳам 12 мегапикселли ўлчам ва оптик барқарорликка эга. Улардан бири тасвирни икки карра яқин ва узоқ қилиш, шунингдек, фон билан бирга портрет суратлар ҳам олиш имконини беради.

"Mi 6" саккиз ядроли Qualcomm Snapdragon 835 процессори, олти гигабайтлик оператив ва 128 гигабайтлик хотира картасига эга. Корпуси шиша ва металдан ишланган. Қурилма оқ, қора ва кўкимтир олтин рангларда намойиш этилди. Шу билан бирга, компания смартфоннинг сополдан ишланган версиясини ҳам ишлаб чиқаришни режалаштирган.

**ЎзДЖТУ талабаси Сардор МУСТАФОЕВ тайёрлади.**

# Фуқаро муҳофазаси муҳим

***Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2017 йил 10 апрелдаги кўрсатмасига асосан Фуқаро муҳофазаси институти томонидан қабул қилинган буйруққа биноан, институтнинг ҳар бир кафедра, курс ва гуруҳ ўқитувчилари таълим муассасаларига бориб фуқаро муҳофазаси бўйича амалий машғулотларни доимий ўтказиши белгилаб қўйилди. Амалий машғулотларда ўқув-услубий фильмлар, қўлланмалар, слайдлар тақдимотларидан кенг фойдаланиш, соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини ёшларга кенг тушунтиришда замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди.***

Таъкидлаш жоизки, ёш авлодга ҳаётда содир бўлиши мумкин бўлган хавфли вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш қоидаларини ўргатиш борасида институт профессор-ўқитувчилари томонидан кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги Юнусобод академик лицейида Фуқаро муҳофазаси институти ходимлари томонидан олиб борилган амалий машғулот бу ишларнинг давоми бўлди.

Тадбирда институт илмий бўлими бошлиғи А.Сироҗиддинов таълим ва тиббиёт муассасалари, маҳаллалар, турли жамоат ташкилотларида фуқаро муҳофазаси, табиий ва техноген вазиятларга тайёргарлик кўриш каби мавзуларда ўтказиб келинаётган бу каби учрашувлардан кўзланган мақсадга тўхталиб ўтди.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти профессори А.Нигматов ҳамкорликда олиб борилаётган бундай машғулотлар фуқароларимиз, айниқса, ёшларнинг ҳаёт хавфсизлигига оид билимларини оширишда долзарб аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Шундан сўнг институт ўқитувчилари томонидан "Табиий тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофазаланиш", "Таълим муассасаларида фавқулодда вазиятлар содир бўлганда ўқувчиларни кўчириш ишларини амалга ошириш" мавзуларида назарий машғулот ўтдилар.

Назарий машғулотлардан сўнг сувда қутқарув гуруҳи командири Р.Иброҳимов, радиацион кимёвий биологик (бактериологик) муҳофаза ишлари гуруҳи командири А.Деҳқонов, қидирув-қутқарув гуруҳи ўқитувчилари О.Захаров, А.Турсунов ва етакчи мутахассис С.Нажимов томонидан замонавий қидирув-қутқарув воситалари ва уларни ишлатиш қоидалари бўйича амалий машғулот ўтказилди.

**Назокат САИДХОНОВА,**
**Лилия ГАЛИМОВА,**
**Фуқаро муҳофазаси институти ходимлари**

***Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Учтепа туман кенгаши, туман ахборот ресурс маркази ҳамда "Хуросон", "Заргарлик" маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамкорлигида "Китобнинг ёшлар маънавиятини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.***

# Китоб — умрбоқий бойлик

Тадбир иштирокчилари ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш, улар қалбида Ватанга садоқат, улуғ алломаларимиз меросига, азалий қадриятларга чуқур эҳтиром туйғусини сингдиришга юксак эътибор қаратиб, ёшларнинг китобга қизиқишини ошириш, уларда мутолаа маданиятини шакллантириш нафақат педагоглар, балки бутун жамиятнинг вазифаси эканини таъкидлади.

— Китобга меҳр қўйган, китоб орқали дунёни англаган инсон ёмонликдан йироқ бўлади, — деди давра суҳбатида Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати Юнус Каримов, — китоб — инсоннинг ақлий ва маънавий камолотига ёрдам берувчи, илм дурдоналарини тўплаб, авлодларга етказувчи, ўтмишни бугун ва эртаги кун билан боғлаб турувчи боқий бойлик, деган ҳикматли сўз бор. Тадбир муносабати билан таниқли болалар шоир ва ёзувчиларнинг 100 га яқин китоблар жамланмасини Учтепа туман ахборот ресурс марказига совға қилдик.

**Ш. ТУРОЖОНОВА,**
**Учтепа туман АРМ раҳбари**

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан 2005 йил 30 июндаги 116/1 сон баённомага асосан Ибрагимова Муслима Юлдошевнага берилган тарих фанлари номзоди илмий даражаси ҳақидаги 01№008776 рақамли диплом йўқолганлиги боис

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

2017-yil 13-may, № 38 (8999)

*Маърифатпарвар ватандошимиз Абдулла Авлонийнинг "Бутун ҳаётимиз, саломатлигу саодатимиз, сарватимизу маишатимиз илмга боғлиқдир" деган сўзлари, назаримда, тажрибали педагог Исроил Тошев ҳаётининг мазмунига айланган эди. Чеҳрасида ғайрат-шижоат, лабларида майин табассум ўйнаб турувчи бу инсон эшигидан ёрдам истаб келган кишини ноумид қайтармасди.*

# «Муҳаббат ихтиёр эт»

**Yaxshilar yodi**

Домланинг ҳаёт йўллари равон кечмади. Илм йўлида чекилган заҳматлар, синовлар уни обдон тоблади. Устоз педагог мактабни аълога тугатиб, Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг ўзбек филологияси факультетига ўқишга кирди. Сўнг Шофиркон туманидаги Садриддин Айний номидаги ўрта мактабда она тили ва адабиёт фанидан дарс берди. Устоз билим бериш билан бирга, илмий тадқиқотчилик фаолиятини баравар олиб борди.

1995—1998 йиллари Бухоро давлат университети аспирантура бўлимида ўқишни давом эттирди. Изланишлари самараси ўлароқ, 1999 йили "Умумтаълим мактабларида қўшма гапнинг янги талқини" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Олимнинг 30 дан ортиқ илмий мақолалари ҳамда "Мактабда қўшма гапни ўқитиш" қўлланмаси чоп этилиб, мутахассислар қўлига тегди. 2000—2006 йиллар давомида Бухоро давлат университетида талабаларга сабоқ берди. Умрининг сўнгги кунлари доцентлик даражасини олди.



Шу қисқа даврда устоз кўплаб шогирдларни камолга етказди. У кирган давралар хурсандчиликка тўлиб кетар, қишлоқнинг каттаю кичигига ёд бўлиб кетган, Нодира қаламига мансуб "Муҳаббат ихтиёр эт" ғазалини айтишни қайта-қайта сўрашарди. Барчага бирдек муҳаббатни соғинган бу инсоннинг хотираси ёру дўстлари, ўғил-қизлари ва шогирдлари қалбида ҳамон яшаяпти. Хотира ва қадрлаш куни арафасида педагог таҳсил олган 23-мактабда Исроил Тошев хотира турнири — кураш ва футбол мусобақалари ўтказилди. Бу халқимизда ўтганлар хотирасига эҳтиром кўрсатиш қадрият даражасига кўтарилганининг ёрқин ифодасидир.

**Ҳуррият ТОШЕВА,**
**Шофиркон туманидаги 23-мактаб ўқитувчиси**

# Ҳаёт мактабида тобланган олим

**Elda aziz**

Абдурашид Эргашев бир ёни Оқтов, иккинчи тарафи Қоратов этакларига туташган Нурота туманининг Тошқудуқ қишлоғида камолга етди. Мактабни муваффақиятли тамомлаб, Самарқанд давлат университетининг физика факультетига ўқишга кирди. Олий таълим муассасасини физик ихтисослиги бўйича тугатгач, меҳнат фаолиятини Самарқанд шаҳридаги заводлардан бирининг марказий ўлчов техникаси лабораториясида муҳандисликдан бошлади. Саккиз йил давомида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли Физика-техника институтида илмий изланишлар олиб борди. Мазкур институтнинг материалшунослик бўлимида инженер, катта инженер, кичик илмий ходим бўлиб ишлаш билан бирга, ЎзРФА Ядро физикаси илмий-тадқиқот институтининг сиртқи бўлими аспиранти сифатида "Қаттиқ жисмларни қиздириш ва тоблаш жараёнида кўп заррачалилар эффекти" мавзусида илмий тадқиқотлар билан шуғулланиб, 1991 йили номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Олим ўша йиллари илмий ишни педагогик фаолият билан баравар олиб бориб, ассистент, катта ўқитувчи вазифаларида самарали фаолият кўрсатди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 11 мартдаги қарорига асосан Давлат тест маркази таркибида кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси ташкил этилади. Домла ушбу бошқарманинг педагог, профессор-ўқитувчи ва раҳбар кадрларни аттестация қилиш бўлимига етакчи эксперт лавозимига ишга қабул қилинди. Кейин бош эксперт сифатида фаолият юритди.



Олим Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг идоравий метрологик назорат хизматида бош мутахассис вазифасида ишлаб, республикамиздаги барча ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари, аппаратура ва қурилмалар, машина ва механизмлардан нечоғлик самарали фойдаланилаётганини ўрганиш ва назорат қилиш ҳамда ўқув-амалий машғулотлар ўтказиш бўйича методик тавсиялар бериб келган. Айни пайтда домланинг "Умумий ўрта таълим мактабларида физика фанидан лаборатория ишларини ўтказиш бўйича ўқув қўлланма" ва "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида физика фанидан лаборатория ишларини ўтказиш бўйича ўқув қўлланма" номли рисолалари мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари фаолиятида асқотмоқда.

Домла 2015 йилдан буён Тошкент кимё-технология институтида талабаларга физика фанидан сабоқ бермоқда.

**А.ХУДОЙБЕРДИЕВА,**
**Тошкент кимё-технология институти кафедра мудири, доцент,**
**Ў.АСАДОВ, доцент**

# Илмга пайваста умр

*Олимлар ўз маънавияти, дунёқараши ва салоҳияти билан ёшлар учун ибрат, чинакам ўрнакдир. Шундай улуғ устозлардан бири — филология фанлари доктори, профессор Миразиз Миртожиев.*

**Fanimiz fidoyilari**

Устоз тилшуносликнинг барча йўналишида ўз сўзига эга, жаҳон лингвистикасида кечаётган бугунги жараёнлардан ҳам яхши хабардор. Олим ўзбек тили қаторида Ғарбий Европа ва рус тилларига оид қонуниятларни мукаммал эгаллаган.

1927 йили Охунгузар маҳалласида хизматчи оиласида туғилган олимнинг болалиги, ўқувчилик даври Иккинчи жаҳон урушининг суронли йилларида кечган. 7-синфни тамомлаб, ҳарбий заводда темирчига шогирд, дурадгор бўлиб ишлаган. 1944—1947 йилларда ҳисоб-молия ўқув юртида ўқиган, барибир тил ва адабиётга муҳаббати устун келиб, 1948—1955 йилларда мактабда шу фандан дарс берган. Нашриёт, газеталарда ишлаган. 1953 йили Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини сиртдан битириб, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси мутахассислигини олган. Айюб Ғуломов, Теша Салимов, Мазлума Асқарова каби таниқли тилшунослар таъсири билан унда илмга иштиёқ янада кучайган.

Профессорнинг илмга пайваста умри ниҳоятда сермазмун. Моҳир педагог ғайрати ва меҳнатини талабаларга билим бериш, ҳозирги ўзбек тили асосларини, унинг фонетик, лексик, грамматик қурилишини тавсифлашга сарфлади. Устоз фонетикага оид масалалар, товушлар таснифи, нутқ аъзолари, нутқ аппарати ҳақида билим берар экан, мавзуни бевосита анатомия, физиология, акустика соҳаларига боғлаб тушунтирар эди. Қизғин баҳс-мунозарага бой дарслар давомида талабалар овоз пайчаларининг жойлашиш ўрни, товуш ҳосил қилиш механизми борасида муҳим маълумотларга эга бўларди. Фонетика мавзуларини ёритишда устознинг муайян анатомик билимга эга экани, шифокор бўлиш орзуси билан боғлиқ тиббий мулоҳазакорлиги намоён бўларди. Лексикология масалаларини ёритишда эса мулоқот жараёнидаги турли вазият, бадиий адабиёт материалларидан фойдаланарди. Ҳозирги таълим жараёнида долзарб ҳисобланаётган интегратив ёндашув устоз Миразиз Миртожиев фаолиятида XX асрнинг 80—90 йилларидаёқ ўз ифодасини топган, дейишимиз мумкин.

Олим 1964 йили "Ўзбек тилида лексик омонимларнинг вужудга келиши" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. "Ўзбек тилидаги феъл валентликлари", "Гап бўлакларида семантик-синтактик номутаносиблик", "Ўзбек тилида сўз валентликлари", "Туркий туб феълларнинг ауслаути грамматикаси" каби асарлари шундан далолат.

Миразиз Миртожиев ўзбек тилининг барча сатҳларида илмий тадқиқот олиб борган, фанга янгиликлар киритган новатор олим. Унинг илмий фаолиятида лексик семантика, семасиология йўналиши устувор. Бу борада устознинг "Ўзбек тили семасиологияси" китоби нафақат ўзбек, балки умумий тилшунослик учун ҳам муҳим назарий аҳамият касб этади.

Луғатчилик, умуман, тилшунослик соҳасида олим баракали фаолият юритмоқда. Унинг "Ўзбек тили фонетикаси" асарида ўзбек тили товуш қурилиши қонуниятлари ўта синчковлик ва маҳорат билан, янгича нуқтаи назардан тадқиқ этилган. Урғунинг моҳияти ва табиати тамоман янгича талқин этилган.

Профессор Миразиз Миртожиев мукаммал, сара асарларини саксон ёшдан ошган бир паллада ёзгани таҳсинга лойиқ. Бугун устоз муборак тўқсон ёшни қаршиламоқда. Режалари улкан, янгидан-янги илмий ғоялари билан яшамоқда. Устозга мустаҳкам соғлиқ тилаймиз.

**Бахтиёр МЕНГЛИЕВ,**
**филология фанлари доктори,**
**Бахтиёр АБДУШУКУРОВ,**
**филология фанлари доктори,**
**Оқила АБДУЛЛАЕВА,**
**ўқитувчи**

# Бу кунларнинг қадрига етинг...

*Тошкент кимё-технология институтида уюштирилган тадбир — ўтганларни ёд этиш, нуронийларимизни қадрлаш, устозлар бошлаган эзгу ишларни давом эттириш, бугунги дориломон кунларга шукрона келтиришга ундов маъносида йиғилганларда катта таассурот қолдирди.*

Институт фойесида бир-бирлари билан дийдорлашиб, шукрона айтиб кириб келаётган фахрий устозлар, хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбийларнинг оила аъзоларини миллий либосдаги талаба қизлар, ўқитувчи ва профессорлар иззат-икром, даста гуллар билан қарши олди.

— Бугун илм даргоҳларида ёшларнинг мукаммал билим олиши, етук мутахассис бўлиб етишиши учун катта эътибор қаратилаётир, — дейди тарих фанлари доктори Дилором Юсупова. — Хотира ва қадрлаш маъносида ташкил этилган тадбирдан кўнглимиз кўтарилди. Зеро, хотира инсонни келажакка очиқ кўз билан қарашга, қадр эса хонадонларимиз, юртимизга файзу барака улашувчи кучга, ҳикматга эга. Халқимизда ҳурмат қилсанг, ҳурмат топасан, деган нақл бор. Айни кунларда қутлуғ сана муносабати билан биз каби фахрийларга юртимизнинг турли гўшаларида алоҳида иззат-икром кўрсатилаяпти.

Тадбир бир пиёла чой устида давом этди. Дилбар наволар устоз-мураббийлар қалбини олам-олам сурурга тўлдирди.

**О.ОЧИЛОВА**

*Юртимизда Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан байрам тадбирлари ташкил этилмоқда. Таълим муассасамизда бу сана олдидан учрашув ўтказилиб, фронт орти хизматчилари, маҳалла фаоллари, фахрий педагоглар таклиф этилди.*

# Аждодларни хотирлаш — муқаддас қадрият

— Кекса авлод вакиллари билан учрашув ўқувчиларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга, — дейди мактаб директори Олмос Муҳаммадиев. — Уларнинг урушда кўрсатган матонати, мардлиги ва қаҳрамонлиги фарзандларимизга катта ҳаётий сабоқ, ибрат бўлади. Нуронийларнинг ўтмиш ҳақидаги хотиралари, панд-насиҳатлари ўқувчиларнинг яхши ўқиб-ўрганиши, муносиб касб-ҳунар эгаллашига замин яратади.

Дилдан суҳбат 8-"Д" ва 4-"Б" синф ўқувчилари тайёрлаган кўнгилочар дастур ҳамда марҳум мураббий Қувондиқ Норқулов хотирасига бағишлаб ўтказилган футбол мусобақасига уланиб кетди.

**Гулсун ИСРОИЛОВА,**
**Пастдарғом туманидаги 24-мактаб ўқитувчиси**

2017-yil 13-may, № 38 (8999)

# Кўркам ва шинам ётоқхоналар

## *ёш спортчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришига хизмат қилади*

***"Кичик олимпиада" дея эътироф этиладиган уч босқичли спорт ўйинлари мамлакатимиз ёшларининг жисмонан соғлом ва маънан етук бўлиб улғайишига хизмат қилмоқда. Хусусан, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида ўтказилаётган "Баркамол авлод" спорт ўйинларини ўтказишда ҳам худди шу мақсад кўзланган.***

Жиззах вилоятида ўтадиган бу йилги мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан спортнинг 17 тури бўйича жами 1134 нафар ўғил-қиз қатнашиши кутилмоқда. Жиззах шаҳрининг кўча ва хиёбонлари байрамона безатилган. Анвойи гуллар экилиб, ранго-ранг плакатлар билан янада чирой очган йўллар, таълим муассасалари ҳудудларида юрган одамнинг баҳридили яшнайди. "Баркамол авлод — 2017" ёзуви туширилган автобуслар ёшлик ва нафосат байрами бошланишига саноқли кунлар қолганини ёдга солади. Ушбу нуфузли тадбирни мезбонлар кўнгилдагидек ўтказишга қизғин тайёргарлик кўраётганига ҳар қадамда гувоҳ бўлишингиз мумкин.

Жумладан, мусобақада қатнашадиган спортчиларга турли соҳалар бўйича хизмат кўрсатадиган мутасаддилар, ишчи гуруҳлар белгиланиб, аниқ режа асосида ишлаши таъминланган. Ёш спортчилар, мураббийлар, ҳакамларнинг муросасиз беллашувлардан кейин ўзлари истагандек ҳордиқ чиқаришлари учун ажратилган ётоқхоналар шай ҳолатга келтирилган.

Айтиш жоизки, ўғил болалар ва уларнинг мураббийлари учун Жиззах педагогика коллежида 344 ўринли тураржой, 200 ўринли ошхона қурилди. Қизлар ва мураббийлари учун Жиззах политехника институтида 399 ўринли ётоқхона фойдаланиш учун тайёр қилиб қўйилгани ҳам эътиборлидир. Ҳакамлар ва спорт федерацияси вакиллари учун ажратилган 190 ўринли Жиззах олимпия захиралари коллежи ётоқхонасида ҳам барча қулайликлар мавжуд.

Шунингдек, Жиззах транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежида 100 ўринли, Политехника институти қошидаги академик лицей ётоқхонасида бадиий жамоалар учун 200 ўринли жой ҳозирланган.



— Ётоқхоналардаги шароитларни имкон қадар намунали уйлар муҳитига яқинлаштирияпмиз, — дейди тайёргарлик ишлари хусусида тўхталаркан Жиззах вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Б.Ўсаров. — Ётоқхоналарда спортчиларнинг дам олиши учун барча шароитлар мавжуд. Қолаверса, маданий тадбирлар ўтказиш режаси ҳам ишлаб чиқилган. Чунки шаҳримизга ёшлар фақат мусобақалашиш учун келмайди. Балки ўзаро дўстлашиш, бирлашиш ва тажриба алмашиш учун ҳам келади. Бундай шароит эса спортчиларнинг дам олиб, бўш вақтини мазмунли ва мароқли ўтказиши учун айни муддаодир.

Шунингдек, мусобақалар давомида иштирокчиларнинг саломатлиги ҳам мунтазам назорат қилиб борилади. Спортчиларга бу борада вилоятнинг 134 нафар энг тажрибали, малакали шифокор ва ҳамширалари хизмат кўрсатади. Буни 22 та тиббиёт хонаси айнан ёш спортчилар учун ташкил этилганидан ҳам билиш мумкин. Мазкур пунктларнинг ҳар бирига 1 нафардан шифокор ва ҳамшира бириктирилади. Ўйинлар ўтадиган иншоотларда жами 20 та замонавий тез тиббий ёрдам машинаси ва бригадаси шай ҳолатда бўлади.

Бундан ташқари, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиалида, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида, вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида, юқумли касалликлар шифохонасида ҳам захира ўринлар ажратилиб, дори-дармон воситалари муҳайё қилинган.

Мазкур қулайликлар иштирокчининг ўз кучи ва салоҳиятини тўла намойиш этиши, фақат мусобақалар учун қайғуриб, ғалаба сари интилишига замин яратади.

**Абдусаттор СОДИҚОВ**

***Халқимиз азалдан элга нафи теккан, ўз иқтидори, жонкуярлиги, ташкилотчилик қобилияти билан юрт корига камарбаста бўлган фарзандларини ҳаётлик чоғида эъзозлайди. Дунёдан ўтганидан кейин ҳам хотирасини доимо ёдда сақлайди. Шукрки, диёримизда ана шундай дарёқалб инсонлар кўп.***

# Инсон хотираси — муқаддас

Денов туманида туғилиб, воҳанинг забардаст педагоги бўлиб етишган муаллим, бир неча йил турли раҳбарлик лавозимларида ишлаган Холиқул Нормуродовни ҳам воҳа аҳли, фарзандларию набиралари, яқин дўстлари, ҳамкасблари, айниқса, садоқатли шогирдлари ана шундай ёрқин хотиралар билан эслайди. Шу боис ҳар йили у ўқиган, кейинчалик ўзи ўқитувчи бўлиб, узоқ йиллар ёшларга тарих фанидан сабоқ берган Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманидаги 42-мактаб жамоаси устоз хотирасига бағишлаб мусобақа уюштиради.

— Холиқул ака ишчанлиги, ташкилотчилиги, жамоат ишларидаги фаоллиги ва бағрикенглиги билан катта обрў-эътибор қозонганди, — дейди 42-мактаб директори Абдурайим Маҳмудов. — Устозимиз ҳаёт бўлганида бу йил 60 ёшга тўларди. Биз деҳқонободликлар ўша оғир паллаларда, аниқроғи, 1989 йилда у киши шу мактабга директор бўлиб, кўп йиллик раҳбарлик фаолияти мобайнида мактабни вилоятимизга танитганини яхши биламиз. Таълим масканидаги ўзгаришлар, қурилишларни кузатган одамлар доим устозимиз ҳақига дуо қилади. Энг муҳими, мактаб ўқувчилари турли спорт мусобақалари, фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллай бошлади. Мамлакатимиздаги энг яхши олий ўқув юртлари талабалари орасида бизнинг ўқувчилар сони ҳам йилдан-йилга ортиб борди.

Хотира турнирининг очилиш қисмида Белибойли касб-ҳунар коллежи директори Холиёр Менглиев, туман фахрийларидан Аҳмадхон Асроров, Холиқул аканинг ўғли — Деҳқонобод туманидаги 89-мактабнинг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Аброр Нормуродов ўз эсдаликларидан сўзлади.

Деҳқонободлик спортсевар ўқитувчилар ўртасида ўтган спорт мусобақаларида 11-мактаб жамоаси 1-ўринни банд этди. Деҳқонобод тиббиёт коллежи вакиллари 2— ва 85-мактаб жамоаси 3-ўринни эгаллади. Ғолиб ва совриндорларга Деҳқонобод тумани ХТМФМТТЭБ томонидан диплом ҳамда ҳомийларнинг эсдалик совғалари берилди.

**МУХБИРИМИЗ**

# Аъло орзулар оғушида

***Аъло Ҳасанов элас-элас хотирлайди. Чамаси тўрт-беш ёшларда эди, кечқурунлари то уйқу элитгунча отаси ва амакиларининг шахмат тахтаси устида соатлаб дона суришларини завқ билан кузатарди. Ҳатто баъзида тушига ҳам кириб чиқадиган бу сеҳрли "жанг" болалик оламига янада завқ бағишларди. Катталар иш-ишига тарқалиши билан у "от" ва "фарзин"ларни енгининг учи билан авайлаб артганча доскага жойлаштирар, гоҳида улар билан ўзича гурунглашарди.***

Ўғлидаги бу қизиқишни кузатиб юрган Тўлқин ака у олти ёшга тўлганда ихчамгина шахмат доскаси совға қилди. Бу туҳфа Аълони болалигиданоқ ҳар бир дақиқани қадрлашга, бўш вақтларида ақлни чархлаб, фикрларини теранлаштирувчи машғулот билан шуғулланишга ўргатди. У севимли ўйини билан банд бўлиши, учун, аввало, мактабда аъло ўқиш, уй вазифаларини тўла-тўкис бажаришни ҳам унутиб қўймади.

— Шахмат доскасига яқинлашишим билан ҳамма нарсани унутардим, — дейди Аъло. — Ўйин давомида кимдир фикримни чалғитишини ёки келгуси режалар, вазифалар ҳақида ўйлашни сира ёқтирмасдим. Тўғриси, шахмат мени кичиклигимдан кунни тўғри тақсимлаш, муҳим ва аҳамиятсиз масалаларни фарқлаб иш юритишга ўргатди. Отам иштиёқимни сезиб, астойдил мураббийлик қилди. Шахмат бизни гоҳида дўст, гоҳида рақиб, гоҳида устоз ва шогирдга айлантирарди. Ўн ёшларга кирганимда, шахмат катта билим, маҳорат талаб этишини қайта-қайта такрорлаб Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли "Суғдиёна" жисмоний тарбия ва спорт клубига бошлаб келди. Бу ерда менга Илҳом Ҳайдаров устозлик қилди. Машғулотлар давомида шунчаки ҳаваскор ўйинчи эканим, шахмат оламининг кўп сир-асроридан бехабарлигимни тушундим. Мана, шундан буён неча йиллар ўтди, қанчадан-қанча мусобақаларда иштирок этдим. Лекин ҳамон ҳар бир мағлубият, ҳар бир муваффақиятим мени шахмат оламига янада яқинлаштириб, мўъжизаларига ошно этаётгандек ҳаяжонлантиради. Ҳар доим отам: "Келажакда қайси касб эгаси бўлишингдан қатъи назар, шахмат билан "яшасанг", кам бўлмайсан", деб уқтиради. Чунки отам тадбиркор бўлсада, чарчоғини, кези келганда, шахмат ўйнаб чиқаради.



11 ёшида шаҳар, 12 ёшида вилоят миқёсида ўтказилган мусобақаларда биринчи ўринни эгаллаган Аъло қатор йиллар навоийлик шахматчилар жамоасининг "Камолот" шахмат тахтаси" республика турнирида ғолибликни қўлга киритишига муносиб ҳисса қўшди. Бу ютуқлар унинг Ўзбекистон чемпионатида мунтазам иштирок этишига замин яратди. Бир қатор халқаро турнирлар эса маҳорат мактаби вазифасини ўтади.

— 2016 йили Теҳрон шаҳрида ташкил этилган Осиё чемпионатида юртимиз жамоасининг фахрли 3-ўринни эгаллаши, ушбу жамоа сафида менинг ҳам борлигим кўнглимни фахр-ифтихорга тўлдирди, — дея суҳбатни давом эттирди Аъло. — Инсон ҳаётида рўй бериши мумкин бўлган қувончли дамлар ичида Ватан шарафини ҳимоя қилишдан юксакроқ воқеа бўлмаса керак. Шу боис ўз устимда ишлаб, жаҳон чемпионлари сафидан ўрин олишни ҳамда Ўзбекистон номини дунёда янада улуғлашга ҳисса қўшишни мақсад қилиб қўйганман.

— Аълонинг энг яхши фазилатларидан бири — топширилган вазифани ўз вақтида адо этишга одатланганидир, — дейди устози Илҳом Ҳайдаров. — У мағлубиятли ўйинларидан хулоса чиқаради, хатоларини таҳлил этади. Уни илк бор шуғуллантираётганимда: "Ютишдан олдин ютқазишни ўрганиш керак. Йиқилиш ҳеч гап эмас. Гап қайта тура олишда, дейдилар", деб айтгандим. Аъло ғолиб бўлганда ҳам, мағлубиятга учраганда ҳам камтарлик қилиб: "Фалон амаллар ёки юришни билмас эканман" ёки "Рақибимдан кўп нарса ўргандим", дейди. Бундай ёндашув ёш шахматчини янги марралар сари руҳлантиради. Яқинда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган 8 ёшдан 18 ёшгача болалар ва ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида қатнашгани ҳам шогирдим учун катта мактаб бўлди. Айни кунда Жиззахда ўтадиган "Баркамол авлод — 2017" спорт мусобақаларига қизғин тайёргарлик кўраяпмиз. Бунинг учун шароитлар яратилган. Айни кунда Навоий давлат кончилик институти ҳузуридаги 2-академик лицейда таҳсил олаётган Аъло Ҳасанов бу баҳсларда ҳам ўз иқтидорини намоён этишига ишонамиз.

Шу ўринда навоийлик ёш спортчиларнинг анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган уч босқичли спорт мусобақаларининг ўртанчаси — "Баркамол авлод" фестивалига тайёргарлиги хусусида бир оғиз тўхталсак. Навоий вилояти ёшлари ушбу спорт байрамида муносиб иштирок этиш ва ғолиблар сафидан жой олиш учун жиддий ҳозирлик кўрмоқда.

Белгиланган режа асосида Навоий шаҳридаги замонавий типда бунёд этилган спорт иншоотларида спортнинг 17 тури бўйича вилоят босқичи мусобақалари ташкил этилиб, унда 889 нафар йигит-қиз иштирок этди. Ўғил-қизларнинг иқтидори ва маҳоратига қараб вилоят терма жамоалари таркиби шакллантирилди. Демак, Жиззах шаҳрида ўтадиган республика босқичида Навоий вилояти шарафини Навоий шаҳридан 150, Хатирчидан 12, Карманадан 11, Навбаҳор ва Конимехдан 4 нафардан, Учқудуқдан 3, Қизилтепа ва Нуротадан 2 нафар, Зарафшондан 1 нафар ўқувчи ҳимоя қилади.

**Ойбуви ОЧИЛОВА.**

**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.**

Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda






# «Баркамол авлод»нинг ижодкор болалари

***Чилонзор тумани "Баркамол авлод" болалар маркази болажонларнинг севимли маскани. Фарзандлари иқболи ва келажагини ўйлаган ота-оналар учун бу даргоҳ жуда қадрли. Ундаги суратлар, турли мунчоқли безаклар, тўқилган буюмлар, миллий ўйинчоқлар, либослар дизайни, заргарлик, дурадгорлик намуналари беихтиёр эътиборингизни тортади.***

Марказда фаолият кўрсатаётган ўттиз олти йўналишдаги тўгаракларнинг аъзолари олти ёшдан ўн олти ёшгача бўлган болалардир.

Олти ёшли Шукрона "Моҳир қўллар" тўгарагининг энг кичик қатнашчиси. "Расм чизишга қизиқишимни сезиб, отаонам шу тўгаракка берди", дейди қизалоқ қувонганидан суратларини кўрсатиб. Ўн ёшли Суннатилланинг ҳам тўгаракка келиб қолиши ўзи учун тасодиф. Аммо ота-онасининг истаги шу эди. Ақлли, яхши хулқли бола тарбиялашни қайси ота-она истамайди, дейсиз?! Улар адашмаган экан. Суннатилланинг расм солишга қўли келиб, танловларда совриндор ҳам бўлди.

— Шукрона чизаётган суратлар, қоғоздан, пластилиндан ясаётган турли шакллар, дарахтлар ва ўйинчоқлар унинг иқтидоридан дарак беради, — дейди тасвирий санъат тўгараги ўқитувчиси Елена Эрлих. — У жуда ҳаракатчан. Бошлаган иши маромига етмаса, яна қайта чизишга, аслига ўхшатишга ҳаракат қилаверади. Суннатилладаги босиқлик ва тиришқоқлик чизмаларида, у яратаётган турли намуналарда намоён бўлмоқда. Олти гуруҳдаги 60 нафар тўгарак аъзосининг ҳар бири ўз имконияти ва иқтидорини синаб кўраётгани, энг муҳими, улардаги интилувчанлик устозларга куч-ғайрат беради.

Чилонзор тумани "Баркамол авлод" болалар марказида ҳар бир кун шундай бошланади. Бу ерда ўқитувчилар ва она-оналарни ягона мақсад бирлаштиради: бу ўсиб келаётган ёш авлоднинг ижодий қобилиятини юзага чиқариш, қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва дам олишини ташкил этишдир. Зеро, Биринчи Президентимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобида таъкидлаганидек, "Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажагини улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор, буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак". Бундай улуғ мақсад ва ишонч мамлакатимиздаги таълим муассасалари қаторида "Баркамол авлод" болалар марказларига ҳам катта масъулият юклайди.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралдаги "Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазкур марказлар фаолиятини такомиллаштириш, ўқувчиларни қизиқиши бўйича илмга, ҳунарга йўналтириш ва уларнинг билимини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётир, — дейди марказ директори Умида Турғунова. — Марказимизда мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш ҳамда бу борада ишлаб чиқилган чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ердаги 63 гуруҳга олти юздан ортиқ ўқувчи қабул



қилинган бўлиб, улардан 20 нафари 22-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси ва 10 нафари ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандидир. Ушбу марказ таянч муассаса сифатида тумандаги умумтаълим мактаблари қошида ташкил этилган тўгаракларга амалий ёрдам кўрсатиб келади. Машғулотлар ҳафтасига икки маротаба дарсдан ташқари бўш вақтларда ташкил этилади. Марказни тамомлаган ўқувчилар ўз йўналиши бўйича гувоҳномаларга эга бўлади.

Марказдаги рақс ансамбллари, турли тўгараклар доим болалар билан гавжум. Биз улардаги машғулотлар жараёни билан танишишга қизиқдик. "Ёғоч ўймакорлиги" тўгараги машғулотларини ўқитувчи Сардор Шермуҳамедов ўтказар экан. Унинг айтишича, тўгарак аъзоларининг ҳунар ўрганишга чанқоқлиги яхши натижа бераётир. Улар орасида 270-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Афзалхўжа Абдусатторов ҳам бор. У ўтган йили "Ёш ҳунарманд" кўрик-танловининг шаҳар босқичида 2-ўринни эгаллаган.

— Уч йилдан буён шу даргоҳга қатнайман ва бирорта машғулотни қолдиргим келмайди, — дейди у. — Чунки ҳар бир дарсда устозимдан ёғоч ўймакорлигининг янги-янги жиҳатларини ўрганаман. Ҳозир ёғочга ишлов бериш, шакллар солиш, нақшли гуллар ясаб, совға қутичалари ва бошқа шаклли ишларни қила оламан.

Тўгаракларнинг яна бири — "Карвинг санъати". Бунда болажонлар мева ва сабзавотлардан турли шакллар яратишни ўрганади. Тўгарак аъзоси Жасмина Халилова турпдан атиргул ясади. Фарҳод Миниёзов машғулот ўтаётган гимнастика тўгараги болаларнинг соғлом ўсиши ва тўғри ривожланишига кўмаклашаётган бўлса, Зуҳра Рўзиева раҳбарлигидаги "Тумор" рақс тўгарагида қизлар миллий рақсларимиздан бирини ўрганаётган экан.

"Оловиддин" вокал гуруҳи, "Миллий рақс", "Элекс" спорт бал рақслари, "Замонавий рақс", "Шодиёна" ва "Намунавий рақс" тўгараклари аъзолари эришган ютуқлар янада салмоқли. Улар туман ва шаҳарда анъанавий ўтказиладиган барча оммавий тадбирларда фаол иштирок этиб келаётир. Кўплаб кўрик-танловларнинг иштирокчиси. Айниқса, "Оловиддин" вокал гуруҳи ва "Элекс" спорт бал рақслари тўгараги аъзоларининг пойтахтимиз ва хорижда ўтказилган халқаро турнирлардаги иштироки ва улар қўлга киритган муваффақиятлар мамлакатимизда навқирон авлод келажагига қаратилаётган алоҳида эътиборнинг самараларидир.

**Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,**
**ЎзА мухбири**
**Аъло АБДУЛЛАЕВ(ЎзА)**
**олган суратлар.**



Ma'rifat

*TA'SIS ETUVCHILAR:*
*O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Respublika kengashi.*

Bosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan. Indeks: 149, 150. Г-515. Tiraji 52300. Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:
qabulxona — 233-50-55;
kotibiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6416
9 772010 641009

*«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.*

*Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.*

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.
Navbatchi muharrir:
Xayriddinmurod ABULFAYZOV.
Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
O'zA yakuni — 23.40 Topshirildi — 00.00 1[illegible] 456